Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№145 (4839).
29 ИЮНЬ 1982 й.
СЕШАНБА.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

КПСС Марказий Комитети май (1982 йил) Пленуми қарорлари—ҳаётга!

ЁЗУВЧИЛАРНИНГ ЮКСАК БУРЧИ

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзида

Шу кунларда Ўзбекистоннинг бир группа етакчи ёзувчилари Сирдарё ва Жиззах областлари бўйлаб сафардан қайтиб келишди. Республиканинг ана шу қўриқ областларида Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи правлениеси секретариатининг кўчма йиғилишлари бўлиб ўтди, уларда республика ёзувчилар ташкилоти олдида турган бугунги муҳим вазифалар муҳокама этилди. Таниқли ўзбек шоирлари, ёзувчилари, драматургларининг қўриқ ўлкасининг дала меҳнаткашлари, корхона, қурилиш коллективлари билан учрашувлари катта, ҳаяжонли адабиёт байрамига айланиб кетди.

Биз Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари С. М. КАРОМАТОВдан ана шу сафарнинг мақсад ва вазифалари тўғрисида гапириб беришни сўрадик.

— Саъдулла Музаффарович, Ўзбекистон ёзувчилари тез-тез республика колхоз ва совхозлари меҳнаткашларининг меҳмони бўлиб туришади. Улар Мирзачўл ўзлаштирувчилари, Фарғона водийсининг боғбонлари, Қашқадарё ирригаторлари ҳузурига мунтазам чиқиб туришади. Кейинги сафарнинг ўзига хос хусусияти ҳақида гапириб берсангиз. Ёзувчилар союзи секретариати кўчма йиғилишларини нега шу икки қўриқ областида ўтказишга аҳд қилди?

— Республика областлари бўйлаб Ўзбекистон ёзувчилари катта бир группасининг бу галги сафари КПСС Марказий Комитети май (1982 йил) Пленумидан кейинроқ ташкил этилгани характерлидир. Ҳозир мамлакатимизнинг ҳар бир меҳнат коллективида Пленум қарорлари муҳокама этиляпти, СССРнинг 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган озиқ-овқат программасини бажариш юзасидан конкрет тадбирлар белгиланяпти. Леонид Ильич Брежнев Пленумда қилган докладида таъкидлаб ўтганидек, озиқ-овқат программасини бажариш миллион совет кишиларининг зўр ғайрат билан меҳнат қилишини талаб этади, кадрларимизнинг билимлари ва ташкилотчилик санъати, партиянинг омма ўртасидаги ишларда тўплаган бутун бой тажрибаси — шуларнинг ҳаммаси ишга солиниши керак.

Кўп миллатли совет адабиёти партия ва халқ билан биргаликда КПСС аграр сиёсатини амалга оширишнинг барча босқичларида қишлоқ хўжалигини социалистик қайта қуриш учун курашди. Мана, ҳозир партия янги, масъулиятли муҳим маррани белгилаган бир пайтда ёзувчилар бу умумхалқ ишидан четда қолмаётирлар, партия режаларини ҳаётга татбиқ этиш, СССР озиқ-овқат программасини муваффақиятли бажаришга муносиб ҳисса қўшишга интилишаяпти.

Мен СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг секретариати йиғилишида қатнашиш шарафига муяссар бўлдим. Унда КПСС Марказий Комитети май Пленуми қарорлари асосида мамлакат ёзувчилар ташкилоти олдида турган вазифалар муҳокама қилинди.

Бизнинг республика қўриқ областлари меҳнаткашлари ҳузурига қилган сафаримиз аслини олганда республика ёзувчилар ташкилотининг режаларини амалга оширишнинг дебочасидир. Сафардан асосий мақсадимиз энг яхши ёзувчилар эътиборини актуал тематикага тортиш, ажойиб замондошларимиз, ижодкор меҳнатчилар ҳақида янги асарлар яратиш учун ҳозирги қишлоқ ҳаёти ичига чуқурроқ кириб бориш эди. Ўзбекистоннинг етакчи ёзувчиларини бу муҳим тадбирга жалб этдик. Унда Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари Сарвар Олимжонович Азимов бошчилигидаги секретариатнинг деярли ҳамма вакиллари, шунингдек, Ўзбекистон халқ шоираси, кўпгина халқаро мукофотлар лауреати Зулфия, халқ ёзувчилари Назир Сафаров, Саид Аҳмад, Мирмуҳсин, Иброҳим Раҳим, Туроб Тўла, Ҳамза номидаги республика Давлат мукофотларининг лауреатлари Одил Ёқубов, Лазиз Қаюмов, Абдулла Орипов, республика Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари Ў. Усмонов, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреатлари Гулчеҳра Нуруллаева, Нормурод Нарзуллаев, Владимир Тюриков, шунингдек қобилиятли адабиётчиларнинг ёш вакиллари Абдулла Шер, Оқилжон Ҳусанов, Машраб Бобоев, Мамадали Маҳмудов ва бошқалар қатнашишди. Секретариатнинг кўчма йиғилишларида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг масъул ходими Пирмат Шермуҳамедов қатнашди.

Нега шу областларга бордик? Сирдарё ва Жиззах — бу инсон қўли билан пахтазорга ва ғаллазорларга айлантирилган Мирзачўлдир. Озиқ-овқат программасини муваффақиятли амалга ошириш кўп жиҳатдан бу ерларни келгусида ўзлаштиришга боғлиқ.

Биз, ёзувчилар бу ерда ўлмас ленинча ғояларнинг буюклигига яна бир марта ишонч ҳосил қилдик. Улуғ Ленин 1918 йилда «Туркистонда суғориш ишларига ва бу ишларни ташкил этишга 50 миллион сўм ажратиш тўғрисида»ги тарихий декретга имзо чеккан эди. Унда Мирзачўлнинг беш юз минг десятинадан зиёд майдонини суғориш кўзда тутилган эди. Бугунги кунда бу ерларни чўл дейишга тил ҳам бормайди. Чунки, гуллаб-яшнаган ўлкага айланган! Совет ҳокимияти йилларида бу ерда рўй берган улкан ўзгаришлар кўплаб ёзувчиларни янги асарлар ёзишга илҳомлантирди. Бу асарлар кўп миллатли совет халқининг меҳнат жасоратини акс эттирди. Ш. Рашидов, К. Яшин, Р. Файзий, И. Раҳим ва бошқа таниқли ёзувчилар Мирзачўл ҳақида асарлар яратишди.

Мамлакатимиздаги интернационализм, халқлар дўстлиги кучини бундан ҳам ёрқинроқ, ишончлироқ ифодалашга хизмат қиладиган жойни топиш қийин. Негаки, Мирзачўлда юзга яқин миллат вакиллари яшаб, меҳнат қилмоқдалар. Рус ва ўзбек, белорус ва корейс, қозоқ ва тожик ва бошқалар қўлни-қўлга бериб бу ерда шаҳар ва посёлкалар бунёд этишяпти, йўллар ётқизишяпти, пахта ва ғалла етиштиришяпти.

Бу меҳнаткашларнинг кўплари билан сафар чоғи учрашдик. Улар бўлажак китобларнинг қаҳрамонлари бўлишлари шак-шубҳасиздир. Сирдарёдаги «Ленинград» колхозида учрашув илиқлиги ва самимийлиги билан ёдимизда қолди. Бу колхоз 9-беш йилликда эришган муваффақиятлари учун Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотланган. Колхозчилар ўз режалари ҳақида гапириб беришди. Шоир ва ёзувчилар асарларидан парчалар ўқиб беришди, ижодий режалари билан ўртоқлашдилар. Бизни Ленин комсомоли 50 йиллиги номидаги фабрикада худди қадрдон дўстларидек кутиб олишди. Фабрика қизлари ижодий режаларимиз билан қизиқишди, ўз севимли шоирларининг шеърларидан ўқиб беришди. Бу шоирларнинг кўпчилиги шу даврада эди.

Биз халқимиз адабиётимизни қанчалар яхши билишига ва севишига яна бир марта ишонч ҳосил қилдик. Улар меҳнат аҳли ҳақидаги янги асарларга жуда қизиқишар эди.

Жиззах областининг Зомин, Бахмал районларидаги учрашувлар ҳақиқий меҳнат байрамига айланиб кетди. Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари С. О. Азимовнинг Жиззах область театрида мирзачўлликлар билан учрашув чоғида сўзлаган нутқи тўпланганларда жуда катта таассурот қолдирди. У Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзининг иши, ўзбек ёзувчилари билан қишлоқ меҳнатчилари ўртасидаги алоқалар ҳақида ҳикоя қилар экан, шуни алоҳида таъкидлаб ўтдики, ёзувчилар оддий меҳнатчи руҳига чуқур ва ҳар томонлама кириб боришлари, унда давримизга хос хислатларни кўра билишлари, ўз асарлари билан партия ва халқимизга қишлоқдаги барча яхши нарсаларни қарор топтиришга ёрдам беришлари керак. Бу ишга сафарбар этилган ёзувчилар ўзларининг бутун истеъдодларини, ижодий куч-ғайратларини халқ хизматига, партия режаларини амалга оширишга бағишлашлари керак.

— Шу ўринда яна бир савол бермоқчиман, Саъдулла Музаффарович. Сирдарё ва Жиззах областларида республика ёзувчилар союзининг бўлимлари ишлаб турибди. Уларнинг ўз адабий кучлари бор. Уларнинг фаолиятига қандай баҳо берасиз? Ёзувчилар союзи правлениеси уларга қандай ёрдам кўрсатяпти?

— Юқорида таъкидлаб ўтганимдек, бу галги сафаримиз ўзига хос бўлди. Республика Ёзувчилар союзи правлениесининг секретариати областларда кўчма йиғилишлар ўтказди. Уларда табиийки, область бўлимларининг фаолияти муҳокама этилди. Уларнинг ишини янада яхшилашга қаратилган таклиф ва мулоҳазалар билдирилди. Шуни айтиш керакки, қўриқ областларининг ёзувчилари Мирзачўлни ўзлаштирувчилар эришаётган меҳнат ютуқларини пропаганда қилишда катта ва кўп қиррали иш олиб боришяпти. Улар қишлоқ меҳнатчиларини улуғловчи қатор асарлар яратишди. Ёзувчилар союзи правлениесининг секретариати бу областлардаги бўлимларнинг фаолиятига ижобий баҳо берди. Сирдарё ва Жиззахнинг бир группа ёш ёзувчи ва шоирлари СССР Ёзувчилар союзига қабул қилинди.

Ҳозир Тошкент меҳнаткашларининг Сирдарё ва Жиззах областларига оталиқ ёрдами кундан-кунга кучайиб бораяпти. Биз ёзувчилар ҳам бу ишда четда қолмаслигимиз керак. Секретариатнинг кўчма йиғилишларида ана шунга қарор қилдик. Область ёзувчиларига Тошкентнинг таниқли ёзувчилари мунтазам оталиқ ёрдами кўрсатадилар. Жиззах ёзувчиларига Ўзбекистон халқ ёзувчиси Назир Сафаров, Сирдарё ижодкорларига Одил Ёқубов мураббийлик қилишади.

— Суҳбатимиз охирида анъанавий савол бермоқчиман. Бу йўналишда Ёзувчилар союзи правлениеси секретариати келгусида яна нималар қилмоқчи?

— Икки қўриқ областда бўлиб ўтган секретариатнинг кўчма йиғилиши бу сафар биз пойтахт ёзувчилари учун ҳам, областларнинг ёзувчилари учун ҳам жуда фойдали бўлди. Минглаб қишлоқ меҳнатчилари биздан янги асарлар кутишмоқда. Бу учрашувлар яна давом этади. Бу эса қишлоқ меҳнатчиларининг қаҳрамонона ишлари ҳақида янги, эркин асарлар яратишга илҳомлантиради.

СУРАТДА: бир группа ёзувчилар ва Жиззах областининг партия-хўжалик раҳбарлари «Москва» колхозининг Меҳнат шуҳрати музейи олдида.
М. Тўйчиев фотоси.

Суҳбатни
А. ТЮРИКОВ
ёзиб олди.

СССР 60 ЙИЛЛИГИГА — 60 ЗАРБДОР ҲАФТАЛИК

БАРЧА РЕЗЕРВЛАР — ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА

• *Саноат хроникаси*

ФАХРЛИ БЕЛГИ ҚЎЙИЛДИ

«Қизил тонг» тикув ишлаб чиқариш бирлашмасида тайёрланаётган маҳсулотлардан навбатдаги янги моделларига давлат Сифат белгиси берилди. Булар сунъий қора кўлдан тикилган болалар ва велюрдан тикилган аёллар пальтоларидир.

Замонавий моделдаги бу маҳсулотларни тикишда қўли гул чеварлар бор қобилиятларини ишга солишмоқда. Бу пальтолар чет эл фирмаларининг буюмлари билан бемалол беллаша олади.

Бугунги кунда бирлашмада 80 хилдан ортиқ ҳар хил кийимлар давлат Сифат белгиси билан тайёрланмоқда. Бирлашма тикиб чиқараётган маҳсулотларнинг 58,2 процентини фахрли белги безаб турибди.

∴ ∴ ∴

Пойтахтимиздаги тошни қайта ишлаш заводнинг табиий тошдан йўнилган пардозловчи плиталарига Москвадан давлат Сифат белгиси берилганлиги ҳақида гувоҳнома келди.

Бундай сифатли плиталардан кўп қисми Тошкент шаҳридаги қурилиш объектларига ишлатилади.

∴ ∴ ∴

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикув ишлаб чиқариш бирлашмасида тайёрланаётган кийимларнинг 34 хили давлат Сифат белгиси билан ишлаб чиқарилмоқда.

Аъло сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш умумий салмоғи бирлашмада 39,1 процентга етди.

Кейинги янги моделлар ичида ёшларнинг спорт костюми бўлиб, бунга беш қиррали фахрли белги берилди. Ёқа, чўнтак қисмлари йирик чоклар билан безалган бу хил костюмлар республикамиз савдо тармоқларига пешма-пеш жўнатилмоқда.

∴ ∴ ∴

Пластмассадан ясаладиган самолёт болаларга, албатта, хуш келади.

Бу хилдаги самолётларнинг 6 хилига давлат Сифат белгиси берилди.

Тошкент ўйинчоқлар фабрикаси ишлаб чиқараётган ўйинчоқларнинг 20 дан зиёд хили фахрли белгига сазовор бўлган. Корхонада тайёрланаётган маҳсулотларнинг 19 процентини сифатли маҳсулотлар ташкил қилади.

Пойтахтимиздаги устки трикотаж фабрикасида кўплаб меҳнат ветеранлари ишлайди. Н. Авчаренко ана шундай моҳир ишчилардан. 23 йилдан бери ўз касбини улуғлаб келаётган бу ишчи айни кунларда план топшириқларини 150 процентдан бажармоқда.
СУРАТДА: коммунистик меҳнат зарбдори Н. Авчаренко.
Т. Ҳасанов фотоси.

● ШАҲРИМ— ФАХРИМ

Беллашув асосида

Пойтахтимизнинг 2 минг йиллик юбилейига қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Бу ишда «Гордорстройремонт» трестига қарашли 3-қурилиш ремонт бошқармаси иштирок этмоқда. Коллектив «СССР 60 йиллигига — 60 зарбдор ҳафталик» шиори остида ўзаро социалистик мусобақани авж олдириб, шаҳримиз кўча ва майдонларини тез ва сифатли ремонтдан чиқармоқда. Коллективда ҳар бир зарбдор ҳафталик якуни сарҳисоб қилиниб, қўлга киритилган ютуқлар билан бир қаторда, камчиликлар ҳам кўриб борилади. Натижада меҳнат унуми орта боради. Ҳафта мобайнида ўтказиб турилган социалистик мусобақа якунига кўра К. Замонов, Р. Ҳалимов бошлиқ қурувчи бригадалар бошқармада доимий пешқадамлардан саналиб келади. Ўтган ойда бу коллективлар Правда Востока, Ленин ва Усмон Юсупов кўчаларида капитал ремонт ишларини олиб боришди. Бошқарма коллективи май ойида 150 минг сўмлик жорий ва капитал ремонт ишлари бажарди. Бу ойда кўзда тутилган план ундан ҳам юксакдир.

ПРОГРАММА МУВАФФАҚИЯТЛИ БАЖАРИЛМОҚДА

УЧИШНИ БОШҚАРИШ МАРКАЗИ, 28 июнь. (ТАСС). Анатолий Березовой, Валентин Лебедев, Владимир Жонибеков, Александр Иванченков ва Жан-Лу Кретьендан иборат халқаро экипаж «Салют-7» — «Союз Т-5», «Союз Т-6» орбитал комплекси ичида уч кундан буён ишламоқда.

Бугун космонавтлар «Пирамиг» ва ПСН экспериментларини ўтказишга киришдилар. Бу экспериментлардан кузатилган мақсад Ер атмосферасини, планеталараро муҳитни. Галактика ва Галактикадан ташқари нурланиш манбаларини ўрганишдан иборатдир. Орбитал станция ичида туриб бажариладиган астрофизик тадқиқотлар ўрганилаётган объектлар тўғрисида анча ишончли маълумотлар олиш имконини беради. Биргаликдаги бу экспериментлар француз мутахассислари ишлаб чиққан фотоаппаратлардан фойдаланилиб ўтказилмоқда.

Бориб қайтадиган экспедиция экипажи космик учиш шароитларига кўникиш босқичида юрак қон томир системасининг ҳолати ва кўриш қобилиятига баҳо бериш юзасидан яна бир тадқиқотлар циклини бажарди.

Совет Иттифоқининг «Кристалл» технология қурилмасида космик материалшунослик программасига мувофиқ мис ва қўрғошиндан фойдаланиб вазнсизлик шароитида материаллар диффузияси коэффициентларини аниқлашга доир эксперимент кўзда тутилган. Бошланғич моддалар жойлаштирилган ампулаларни француз олимлари тайёрлашган.

Кечқурун икки марта телевизион алоқа сеанслари вақтида халқаро экипажнинг шу учишни ёритаётган совет ва чет эллик мухбирлари учун матбуот конференцияси ўтказилди.

Орбитадан қилинаётган докладларга ва телеметрик ахборот маълумотларига кўра, «Салют-7» — «Союз Т-5» — «Союз Т-6» илмий тадқиқот комплексининг учиши нормал давом этмоқда.

Космонавтлар Березовой, Лебедев, Жонибеков, Иванченков ва Кретьен ўзларини яхши ҳис этмоқдалар.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

● Кеча Совет Латвияси пойтахти Ригада ўз ишини бошлаган Бутуниттифоқ илмий-амалий конференцияси етук социализм шароитида миллий муносабатларни ривожлантириш, ватанпарварлик ва интернационал руҳда тарбиялаш тажрибаси ҳамда проблемалари мавзусига бағишланди. Бугун газеталарда ўртоқ Л. И. Брежневнинг ана шу конференция қатнашчиларига йўллаган табриги эълон қилинган.

● «Революциядан кейинги дастлабки йилларда хотин-қизлар ўртасида ишлаш йўллари ва методлари» мавзуида Совет хотин-қизлар комитети ташкил этган совет-афғон семинари қатнашчиларидан бир группаси Ўзбекистон ҳаёти билан танишмоқда.

Афғонистондан келган меҳмонлар республика пойтахтининг диққатга сазовор жойлари билан танишдилар:

28 июнь куни семинар қатнашчилари Ўзбекистон касаба союзлари республика Советида қабул қилинди.

ҚУРИЛИШ МАЙДОНЛАРИДА

ПОЙДЕВОР ҚЎЙИЛМОҚДА

Пойтахтимизнинг Қорасарой кўчасида кар-соқовлар учун 56 квартирали турар жой биноси қурилиши бошлаб юборилди: Қурилиш ишларини Бош бошқармага қарашли 153-трестнинг 62-қурилиш бошқармаси бунёдкорлари олиб бормоқдалар. Шу кунларда Х. Нишонов бошлиқ бригада азаматлари бинога пойдевор қўймоқдалар. Қурилиш объектида иш зарбдор суръатда олиб борилмоқда. Бу турар жой биноси шу йилнинг охирида пардозловчиларга топширилиши мўлжалланган.

СССРнинг 60 йиллик юбилейига муносиб меҳнат совғалари тайёрлашга киришган азамат бунёдкорлар шу кунларда ғайрат ва шижоат билан меҳнат қилмоқдалар.

ТОШКЕНТДА АФҒОН ШЕЪРЛАРИ ЯНГРАМОҚДА

Ўзбекистонда афғон адабиёти кунлари бошланди. Афғон адабиёти кунларида қатнашмоқ учун Абдулла Ноиби бошчилигидаги таниқли шоирлар ва адиблар группаси Тошкентга келди.

Кунлар программасида совет — афғон поэзиясига бағишланган интернационал кеча, ўзбек адиблари билан учрашув ўтказиш, республика музейлари, шу жумладан Алишер Навоий номли адабиёт музейи билан танишиш, пахтакорлар билан учрашиш кўзда тутилган.

— Совет Иттифоқида биринчи марта ўтказилаётган афғон адабиёти кунлари биз учун катта аҳамиятга эгадир,— деди Абдулла Ноиби. — Совет кишилари мамлакатимиздаги воқеаларни, қадимий диёримиздаги революцион ўзгаришларни нақадар зўр эътибор билан кузатиб турганликларини биламиз. Янги ҳаёт барпо этишда ёзувчиларнинг иштироки тўғрисида совет қардошларимизга гапириб беришдан, Афғонистон адибларининг революцияга, халққа бағишланган асарлари билан Ўзбекистон меҳнаткашларини таништиришдан хурсандмиз.

(ЎзТАГ).

ХАЛҚАРО МАВЗУЛАРДА СУҲБАТ

СОВЕТ ИТТИФОҚИ НАМУНА КЎРСАТМОҚДА

«Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ўз зиммасига ядро қуролини биринчи бўлиб қўлланмаслик мажбуриятини қабул қилади» — КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев БМТ Бош Ассамблеясининг қуролсизланишга бағишланган иккинчи махсус сессиясига йўллаган мактубидаги бу сўзларни сессия делегатлари узоқ давом этган қарсаклар билан кутиб олдилар. Уларнинг бу олқиши дарҳол бутун дунёда акс-садо берди. Бу сўзлар халқаро жамоатчилик диққат марказида турибди. Халқаро жамоатчилик унга Совет давлати тинчликсеварлиги, унинг тинчликни ҳимоя қилиш ва ер куррасини ядро ҳалокатидан халос этишга қатъий қарор берганлигининг яна бир далили деб баҳо бермоқда.

Мамлакатлар асосий кўпчилигининг кўпдан-кўп таниқли сиёсий арбоблари ва информация воситалари ўртоқ Л. И. Брежневнинг мактубида баён этилган СССР янги тинчлик таклифлари тарихий аҳамиятга эга эканлигини таъкидламоқдалар. Реакцион империалистик доираларнинг, биринчи навбатда АҚШнинг масъулиятсизлик билан ўтказаётган сиёсати натижасида жаҳондаги вазият кескинлашиб кетган ҳозирги шароитда бу ташаббуслар айниқса катта аҳамиятга эгадир. Америка ҳукумати ва НАТО раҳбарлари СССР ва унинг иттифоқчилари устидан ҳарбий устунликка эришиш, уларни турли ён босишларга мажбур қилиш, социалистик тузумни барбод этишга эришиш мақсадида қурол-яроғлар пойгасини авж олдирмоқдалар. АҚШ ва унинг блоклардаги шериклари ривожланаётган мамлакатларга, биринчи навбатда, уларнинг буйруғига бўйсунмай, мустақил йўлдан боришни истаётган мамлакатларга нисбатан агрессив мақсадларни кўзда тутмоқдалар.

Бунда Вашингтон ядро қуролини биринчи бўлиб қўллаш мумкинлигини ҳисобдан чиқараётгани йўқ. Бунинг устига АҚШ ва НАТОнинг ҳарбий доктринаси аслида ҳатто ана шу мумкинлик негизига қурилмоқда. Ядро қуролининг нималиги эса Хиросима ва Нагасаки фожиаларидан яхши маълумдир. Ядро уруши бошланиб кетгудек бўлса, бу уруш инсоният цивилизациясини барбод этибгина қолмай, ер юзида ҳаётдан ном-нишон ҳам қолдирмаслиги мумкин.

Шунинг учун ҳам планетамизнинг турли бурчакларидаги миллион-миллион кишилар тинчликнинг тақдиридан ташвишланаётганликлари табиийдир, албатта. Айни вақтда қурол-яроғларнинг тобора кўпроқ вайронгарчилик келтирадиган турларининг тинмай кўпайтирилишини тўхтатиш, халқаро муносабатларнинг яхшиланиши томон бурилиш ясалишига ва ядро ҳалокатининг олдини олишга эришишга бўлган хоҳиш ирода, интилиш ҳам ўсиб бормоқда. Шунинг учун ҳам барча қитъаларда урушга қарши намойишлар тўхтамаётир.

Совет Иттифоқи ядро қуроли ҳеч қачон ишга солинмаслиги керак, деган қатъий ишончга асосланмоқда. Шу боисдан ҳам жаҳон халқлари бошқа ядровий давлатлардан ҳам ихтиёрий равишда ёки урушга қарши ҳаракат тазйиқи остида одамларни ёппасига қириб юборадиган ана шу ажал воситаларини биринчи бўлиб қўлланмаслик тўғрисида ўз зиммаларига масъулият оладилар, деб кутишга ҳақлидирлар. Амалда эса бу нарса ядро қуролини умуман қўлланмаслик деган маънони билдирган бўлур эди. Зотан, ҳаммага шу нарса аниқ ва равшанки, агар биринчи ядро зарбаси бўлмаса, иккинчи ва учинчисига, шунингдек шундан кейинги ядро зарбаларига зарурат қолмайди.

Жаҳон матбуотининг Л. И. Брежнев мактубига дастлабки шарҳларидаёқ Совет Иттифоқи тинчликнинг тақдири учун жуда катта масъулият билан қараётганлиги, бу соҳада изчиллик билан иш олиб бораётганлиги таъкидланди. Ана шу ҳужжат эълон қилиниб, сессияда совет делегациясининг бошлиғи СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико нутқ сўзлагандан кейин жаҳон жамоатчилиги президент Рейган янги совет ташаббусларига қандай жавоб беришини қизиқиш билан кутди.

Бироқ АҚШ президенти, АҚШ Компартиясининг Бош секретари Г. Холлнинг сўзлари билан айтганда, бутун дунё олдида ўзининг «масъулиятсиз уруш олови ёқувчиси» эканлигини яна бир бор кўрсатди. Унинг нутқи БМТ доираларида ҳам, бутун дунёда, шу жумладан Қўшма Штатларнинг ўзида ҳам ҳамманинг қаҳр-ғазабини уйғотди. Американинг қуролсизланиш проблемалари бўйича таниқли мутахассиси Ж. Ларок Рейганнинг «урушқоқлик руҳидаги тутуруқсиз» нутқини кескин танқид қилди. У АҚШ президенти Совет Иттифоқидан ўрнак олиб иш кўрмаганлигидан таассуф билдирди. Америкалик газетхоннинг «Лос-Анжелес таймс» газетасида эълон қилинган хатидаги: «Леонид Брежнев бизнинг келажагимиз тўғрисида Вашингтондагиларга қараганда самимийроқ ғамхўрлик қилаётганлиги учун бизнинг ҳаммамиз миннатдорчилик изҳор этишимиз керак», деган сўзлари Оқ уй хўжайинининг шаънига қилинган аччиқ таъна бўлди.

Совет ташаббусининг кенг қувватланиб, Вашингтон шаънига кескин танқид сўзлари айтилаётганлиги халқлар ядро урушининг олдини олиш, ер юзида тинчлик ва ҳаётни сақлаб қолиш учун актив ва зўр қатъият билан кураш олиб боришни бундан буён ҳам давом эттираверишининг гаровидир. Инсоният ўз-ўзининг йўқ қилиб юборилишига йўл қўймаслик, ҳозирги ва келажак авлодлар учун тинчлик ва тараққиётни таъминлаш имкониятига эгадир.

Т. КУДРЯВЦЕВА.
(ТАСС).

КПСС XXVI съезди қарорлари — ҳаётга

СИФАТНИ ЯХШИЛАШ ОМИЛИ

Партия XXVI съезди ўн биринчи беш йилликда республикамиз халқ хўжалиги олдига экономика ва маданиятни ривожлантириш соҳасида янги-янги вазифалар қўйди.

Истеъмол буюмларини юқори сифатли қилиб ишлаб чиқаришда шаҳримиздаги илғор корхоналар шу кунларда ўзаро социалистик мусобақани кенг авж олдириб юборганлар.

Илғор саноат корхоналарининг тажрибаси — маҳсулот сифатини яхшилашда сифатни бошқариш комплекс системасини қўллаб, яхши натижаларга эришиш мумкинлигини кўрсатмоқда. Эндиликда эса, маҳсулот сифатини барча ички резервларни ишга солиш эвазига яхшилаш, бу борадаги Днепропетровск области ва Краснодар ўлкаси саноати корхоналарининг иш тажрибаларидан кенг фойдаланишга муҳим аҳамият берилмоқда.

Шу кунларда шаҳримиздаги 90 га яқин корхона сифатни комплекс бошқариш системаси асосида маҳсулот ишлаб чиқараяпти. Бу корхоналарнинг кўп қисми днепропетровсклик ва краснодарликлар тажрибаси асосида мазкур системани такомиллаштириш устида иш олиб бормоқда. Ушбу илғор системани жорий қилиш эвазига шаҳримиздаги саноат корхоналари ишлаб чиқараётган маҳсулотлардан 786 таси фахрли беш қиррали белги билан тайёрланмоқда. Сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш умумий салмоғи шу йилнинг биринчи кварталида салкам 15 процентни ташкил этди.

Ўтган беш ой ичида 24 корхонанинг 191 буюмига фахрли беш қиррали белги берилди. Шундан 176 хили истеъмол буюмларидир. Булар орасида «Средазэлектроаппарат» бирлашмасининг рубильниклари, переключатель ва виклю-чателлари, Тошкент абразив комбинатининг, «Средазэнергоцветмет» бирлашмасининг кўплаб маҳсулотлари бор.

Истеъмол буюмларини фахрли беш қиррали белги билан ишлаб чиқариш ҳар бир корхонанинг шарафли бурчи бўлиб қолмоқда. «Қизил тонг» бирлашмасининг, Охунбобоев номидаги бош кийимлар фабрикасининг, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг, бадиий буюмлар фабрикасининг маҳсулотларига талаб ортиб бормоқда. Бу корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг ярмидан кўпига давлат Сифат белгиси берилган.

Аммо ана шу муваффақиятларимиз билан бир қаторда камчиликлар ҳам мавжуд. Ҳанузгача айрим саноат корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар стандарт талабига жавоб бермаяпти. Биронта маҳсулотини фахрли белгига тақдим қилолмаган корхоналар ҳам мавжуд. Масалан, Ўзбекистон ССР қурилиш министрлигидаги корхоналар давлат Сифат белгили маҳсулот ишлаб чиқариш план кўрсаткичларини бажаролмаяптилар.

Айрим маҳсулотлари давлат стандартига тўла жавоб бермаган электро-техника заводи, «Тошкент» мебель бирлашмаси, Тошкент экспериментал фурнитура-пластмасса заводи ва «Автосервис» бирлашмаси каби корхоналарга иқтисодий жарималар солинган.

Бундай мисоллардан равшан кўриниб турибдики, ҳали ҳам кўпчилик корхона ва ташкилотлар маҳсулот сифати ва уни истеъмолчилар талабига мос қилиб тайёрлашдаги масъулиятни етарли тушунмаяптилар. Сифат ва самарадорлик ўн биринчи беш йиллиги қўйган вазифалар юксак талабчанликни тақозо этади. КПСС XXVI съезди ишлаб чиққан улуғвор режаларни амалга ошириш ҳам ҳар бир кишидан ана шундай юксак масъулиятни ҳар қадамда ҳис қилишни талаб этади.

Г. ВОҲИДОВА,
Ўзбекистон ССР Давлат стандартлар бошқармаси ходими.

● *Қимматли ташаббус—амалда*

«КамАЗ»нинг яна бир қудрати

Тошкент шаҳар марказлашган усулда юк ташиш автомобиль трестига қарашли автокорхоналарда меҳнат унумдорлиги ва тежамкорликни оширишга қаратилган қатор ташаббуслар юзага келиб, амалда қўлланмоқда. Ташаббусларнинг ҳаётга тадбиқ этилиши натижасида автокорхоналарда ҳар йили юк ташиш планлари ошириб бажарилиб юз минглаб сўмлик ёнилғи-мойлаш материаллари ва эҳтиёт қисмлари тежаб қолинмоқда. Яқинда ушбу трестга қарашли 127-автобазада яна бир янги ташаббус қанот қоқди ва бу ташаббус амалда ўз ифодасини топмоқда. Бу тўғрида автокорхона директори Э. Ойбўтаев мухбиримизга қуйидагиларни ҳикоя қилиб берди:

— СССР ташкил топганлигининг 60 йиллиги нишонланадиган йил ташаббусларга бой йил бўлмоқда. «СССР 60 йиллигига — 60 зарбдор ҳафталик» шиори остида меҳнат қилаётган коллективлар ўзаро социалистик мусобақани қизғин тус олдириб, меҳнат унумдорлиги ва тежамкорликни янада оширишнинг янги-янги усулларини қидирмоқдалар. Бир автохўжаликда юзага келган ташаббус тезда бошқа автокорхоналарда ҳам ўз ижросини топмоқда. Масалан, қўшни автохўжалик ишчилари бошлаб берган «Капитал ремонтсиз 300 минг километр» ҳаракатида биздан 22 киши иштирок этмоқда. Улар қувонарли натижаларни қўлга киритмоқдалар. Бу ҳаракатнинг жонкуярларидан Д. Бондук шу кунгача капитал ремонтсиз 489 минг, А. Ҳасанов 389 минг, Қ. Қосимов 383 минг, А. Хўжаев 321 минг километр йўлни босиб ўтдилар ва ҳар бири минглаб сўмлик ёнилғи ва эҳтиёт қисмларини тежаб қолдилар. Бундан ташқари йил бошида коллективимизнинг М. Аъзамхўжаев, Ш. Шопакотов, Э. Каримназаров, Ҳ. Мирзаматов бошлиқ бригадалар коллективи СССРнинг 60 йиллик юбилейи кунигача уч йиллик планни бажариш ташаббусини кўтариб чиқдилар. Ҳозир бу бригадалар шу йилнинг август, сентябрь ойи ҳисобига меҳнат қилмоқда.

Ташаббускорликдан кўзланган мақсад ягона: яъни меҳнат унумдорлигини ошириш ва тежамкорликни янада кучайтиришдир. Корхонамизда 317 та ҳар хил типдаги машиналар мавжуд бўлиб уларда асосан карьердан шағал ва жуда катта оғирликка эга бўлган темир йўл контейнерлари ташилади. Апрель ойининг бошларида бригадир Равил Ҳолимов бошчилигида Ғафур Шораҳмедов, Абдураззоқ Абдувалиевлар олдимга киришиб жуда қизиқ таклифни ўртага ташлашди. Буни қарангки, уларнинг таклифига кўра, «КамАЗ» машинасига иккита прицеп тиркаб ишлаш мумкин экан... Таклиф замирида ётган катта иқтисодий фойда қанчалик ёқимли бўлса-да, машинанинг икки прицепда ишлаши кишида ишончсизлик уйғотмай қолмасди. Ахир шу пайтгача машина фақат 10 тоннагача юк ташиб келган, прицеп қўшилгач бу юк 30 тоннага етади... Йўқ, ҳар уччала ташаббускор ҳам ишни пухта ўйлашган экан— синов муваффақиятли ўтди.

Бир гап билан айтганда Р. Ҳалимов, Ғ. Шораҳмедов, А. Абдувалиевлар келажаги порлоқ ишни бошлаб бердилар. Улар мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган «КамАЗ» автомашинасининг яна бир хусусиятини очиб бердилар. Эндиликда карьердан шағал ташиётган автопоездларни кўрган кишилар ажабланмаса ҳам бўлади. Автомашина ўз қудратини яна бир бор намойиш этмоқда.

Суҳбатни
Н. НОРҚОБИЛОВ
ёзиб олди.

КПСС Марказий Комитетининг май (1982 йил) Пленуми қарорларида қишлоқ хўжалиги машинасозлигини ривожлантириш тадбирлари ҳам алоҳида таъкидлаб ўтилди. Шунга амал қилаётган «Ўзбексельмаш» пахтачилик машинасозлиги ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи машиналар ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш борасида фидокорона меҳнат қилмоқда.

СУРАТДА: корхонанинг тайёр маҳсулот жўнатиш майдонида темир йўл платформаларига ортиш учун тайёрлаб қўйилган янги маҳсулотлар туркуми.

М. Нуриддинов фотолари.

МЕҲНАТИНГ—ЗИЙНАТИНГ

ТАҲСИНГА САЗОВОР

Мариямхон ҳар куни шу сўқмоқдан ишга бориб, шу сўқмоқдан қайтади. Йўл чеккаларидаги дов-дарахтлар, гиёҳлар таниш. Аммо бугун буларнинг барчаси ўзгача туюлади кўзига. Бутун борлиқ уни гўё қутлаётгандек, дов-дарахтлар япроқ чалиб олқишлаётгандек. Мариямхон билолмайди, чиндан ҳам сўлим табиат ўзгариб кетганми ёки унга шундай туюлаяптими? Бунга албатта бугунги йиғин сабабчи.

Илгарилари мажлисларда кўп бўларди. У ерда илғорлар қатори номи тилга олинганда бехтиёр қизариб кўярди-ю, яна ўзини тутиб боягидек ўтираверарди. Ҳозир эса заводдан чиқиб, уйи томон қайтяптиямки ҳаяжони босилмайди. Уни қувончдан кўра янги мажбурият кўпроқ ҳаяжонга соларди. Қулоғида завод директори Эдуард Егорович Григорьянцнинг сўзи жаранглаётгандек бўларди.

...Шу йилнинг июнь кунларидан бири эди. Завод директори ишчилар, инженер-техник ходимлар, турли корхона ва ташкилотлардан келган ходимлар олдида корхонанинг ўтган беш йил мобайнида қўлга киритган ютуқлари ҳақида қисқача сўзлаб бергач, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети депутатлигига номзодлар рўйхати билан таништирди. Улар сафида завод ишчиси Мариямхон Нодирова ҳам борлигини алоҳида таъкидлади.

— СССРнинг 60 йиллиги нишонланадиган бу қутлуғ йилда ҳаммамиз бир юксак масъулиятни сидқидилдан ҳис этган ҳолда ишламоқдамиз, — деди М. Нодирова. — Бу йил ҳаммамиз учун қутлуғ йил. Тўйга тўёна билан бориш совет кишиларининг шарафли бурчи. Шу муносабат билан мен юбилей йили планимни СССР Конституциясининг тўрт йиллигигача бажараман. Умуман беш йиллик планимни тўрт йилда шараф билан уддалайман.

Мариямхон мажлисда шундай катта мажбурият қабул қилди. Бу айтишгагина осон. Аслида-чи, кишидан фидокорона меҳнат, улкан масъулият талаб қилади.

У уйга қайтар экан ана шу мажбуриятни бажариш ҳақида ўйларди. Ҳа, Мариямхон қийинчиликлар олдида эсанкирайдиганлардан эмас. У ҳар қандай шароитда ҳам ўз ваъдасига вафо қилган. Бундан буён ҳам шундай иш тутади. У оҳиста одимлаб, борар экан кўз олдида мактабдан дастлабки ишга келган пайтлари гавдаланди.

...1963 йилнинг ёзи эди ўшанда. Эндигина саккизинчи синфни битирган Мариямхон отасининг бетоблиги ҳисобига олиб тажриба-механика заводига ишга кирди. Заводда ишлаш билан бир қаторда у Ҳамза районидаги 43-кечки ишчи ёшлар мактабида 11-синфни муваффақиятли тугатди. Ўтган йиллар мобайнида у заводда ўзининг ишбилармонлиги билан коллектив олқишига сазовор бўлди. 1978 йилда у «Гордорстройремонт» трестининг Сергелидаги асфальт-бетон ва йўл қурилиши материаллари заводига арматурачи бўлиб ишга кирди. Мана, тўрт йилдирки, у бу касбни сидқидилдан эъзозлаб келяпти.

Сайфулла Файзуллажонов етакчилик қилаётган цехда атиги 6 киши меҳнат қилади. Уларнинг деярли барчаси бири-биридан серғайрат, ишнинг паст-баландини биладиган кишилар. Николай Ников, Нариман Шаипов, Роҳатой Мирзааҳмедова, Ботир Абдимўминов, Мариям Нодироваларнинг довруғи бугунги кунда заводда кенг ёйилган. Цех ишчилари қурувчиларга йўл плиталарига ишлатиладиган арматураларни етказиб берадилар. Шу билан бир қаторда 0,5— 1 метрли йўлка плиталари ҳам тайёрлайдилар. Улар завод цехлари ўртасидаги меҳнат беллашувида бир неча бор ғолиб келганлар. Улар коммунистик меҳнат зарбдорларидир. Бундай кишиларнинг ҳалол меҳнатлари туфайли ойлик план сурункасига ошириб бажарилмоқда.

Мариямхон ўзининг камтарлиги, сермулоҳазалиги, ишнинг кўзини билиши билан дугоналари даврасида, заводда обрў-эътибор қозониб келмоқда.

Бир куни цехдаги бир ишчи ишга келмай қолди. Уз юмушини саранжом-саришталагач, у дугонасидан бориб хабар олди, кўнгил сўради. Роҳатой бетоб бўлиб қолган экан. Бу ҳақда у ишчиларга хабар қилди. Беморга ёрдам қўли чўзилди. Меҳнатсеварлик, одамларга меҳрибонлик Мариямхоннинг энг яхши фазилатларидан. У коллектив билан жуда иноқлашиб кетган. Зеро оддий ишчининг эл иззат-икромига сазовор бўлиши ҳам мана шунда. Бундай кишилар эса доимо обрў-эътиборга сазовор бўладилар. Биз Мариямхонга унинг келгусидаги депутатлик ишларида ҳам омад ёр бўлишини истаймиз.

А. ФОЗИЛОВ,
Э. ТУЛАГАНОВ.

«Тошкент оқшоми»да босилгандан кейин

«ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ҚОЛМАСИН»

Марказ— 17, 18 да ободончилик ишларига эътибор сустлиги, микрорайонларда ҳатто тунги ёритиш чироқлари яхши ишламаётгани юқоридаги сарлавҳали материалда танқид қилинган эди.

Собир Раҳимов район ижроия комитетидан олинган жавобда кўрсатилишича, мазкур микрорайонларда кварталлар ичида ободонлаштириш-қурилиш ишлари поёнига етказилмагани сабабли айрим тартибсизликлар содир бўлди. Бинобарин ҳозирча йўл ва йўлкаларни капитал ремонтдан чиқариш имконияти бўлмаса-да, айрим зарур чоралар кўрилди. Шунингдек тунги ёритиш масаласи ҳам ҳал этилди. Қурилиш ишлари тугаллангач, ободонлаштириш юзасидан барча ишлар амалга оширилади.

БУГУНГИ ТОШКЕНТ.
СУРАТДА: Ўзбекистон проспекти манзараси.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР БЕРАДИЛАР

СОВЕТ ТАЖРИБАСИДАН ФОЙДАЛАНИБ

ПРАГА. Чехословакия — Совет дўстлиги фахрий номини олган Словакиядаги 64 та давлат хўжалиги ва кооператив йил сайин юксак ишлаб чиқариш натижаларига эришмоқда. Шу давлат хўжаликлари ва кооперативларининг вакиллари Гуменне шаҳрида бўлиб ўтган конференцияда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини интенсивлаш масалаларини кўриб чиқдилар. Донли экинларни йиғиб олишнинг ипатоволиклар методи. Ямполь лавлагикорларнинг ҳаракати сингари совет деҳқонларининг илғор тажрибасидан кенг фойдаланиш зарурлиги конференцияда таъкидлаб ўтилди. Буғдойнинг совет навларидан мўл ҳосил олишга қаратилган ЧССРда кенгайиб бораётган тухораз ҳаракатида (бу ҳаракат вужудга келган кооператив ном билан аталади) қатнашишга алоҳида эътибор берилди. Ҳозирги вақтда Чехословакиядаги 400 дан кўпроқ хўжалик шу ҳаракатга қўшилди.

ХАЛҚ УСТАЛАРИГА ЁРДАМ

БУДАПЕШТ. Венгрияда амалий санъат анъаналарини сақлаб қолиш ва ривожлантириш мақсадида ватан халқ фронти, Венгрия Коммунистик Ёшлар Иттифоқи Марказий Комитети ва ВХР маданият министрлиги ташаббуси билан «Халқ ижодкорлиги» бирлашмаси ташкил қилинди. Бу бирлашма 70 дан кўпроқ ихтисослаштирилган кооператив ишини мувофиқлаштириб туради. Бу кооперативларда халқ усталарининг малакаси ва маҳорати авлоддан авлодга ўтиб боради.

Ҳозирги вақтда Венгрияда 40 мингга яқин киши бадиий ҳунармандлик билан шуғулланмоқда. Улар ҳар йили бир ярим миллиард форинтликдан кўпроқ ажойиб буюмлар тайёрламоқдалар. Бу буюмларнинг анчагинаси жаҳондаги кўпгина мамлакатларга экспорт қилинмоқда.

ТОВАР ОБОРОТИ ЎСМОҚДА

ВЬЕНТЬЯН. Лаос Халқ Демократик Республикасида иқтисодий ва социал ривожланиш биринчи беш йиллик планнинг (1981—1985 йиллар) халқнинг турмуш даражасини ошириш соҳасидаги топшириқлари муваффақиятли равишда амалга оширилмоқда. Мамлакат давлат савдо корхоналари биринчи ярим йил планини муддатидан илгари бажарганлиги бунинг далилидир. Саноат моллари бўйича давлат савдосининг товар обороти ўтган йилнинг шу даврига нисбатан бир ярим баравар, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти эса қарийб 2,5 баравар ўсди.

Халқ революцион партиясининг тутган йўлига мувофиқ шу беш йилликда қишлоқ жойларида, шунингдек майда миллатлар яшаётган районларда савдо тармоқларини жадал ривожлантириш кўзда тутилади.

ҚУБАНИНГ ЁШ ЎРМОНЛАРИ

ГАВАНА. Ёш ўрмонлар — бугунги Кубанинг энг характерли манзараларидан биридир. Мамлакатнинг ҳамма вилоятларида яшил массивлар пайдо бўлмоқда. Ҳар йили ўн миллионлаб туп янги кўчатлар ўтказилмоқда. Ўрмон бойликларини кўпайтириш — ҳақиқатан ҳам умумхалқ иши бўлиб қолганлигига қарамай, Куба ўрмон хўжалиги ходимлари дарахт кўчатлари тўғрисида алоҳида ғамхўрлик қилмоқдалар. Улар 21 июнь куни ўзларининг профессионал байрамини нишонладилар.

...Бир вақтлар орол бу ерга келган дастлабки европаликларни ўзининг жўшқин тропик ўсимликлари билан қойил қолдирар эди. Бироқ, аввал Испан истилочилари, кейинчалик эса Америка монополиялари ва маҳаллий монополияларнинг ўрмонлардан вахшийларча фойдаланганликлари дарахтлар кўпгина турларининг деярли батамом йўқ бўлиб кетишига олиб келди. Бу эса ўз навбатида дарёларнинг саёзланиб қолишини, тупроқ эрозиясини вужудга келтирди. Атроф-муҳитга салбий таъсир ўтказди.

Халқ ҳокимиятининг дастлабки йилларидаёқ ўрмон бойликларини асраш ва кўпайтириш иши планли, илмий асосга қўйилди. Ана шу муҳим проблемани ҳал этишда кубаликларга Совет Иттифоқидан ва бошқа социалистик мамлакатлардан борган мутахассислар катта ёрдам бердилар. Кубада революция ғалабасидан кейин асосан 1,2 миллиардан кўпроқ қимматли дарахт турлари ўтказилди. Кўпгина дарахтлардан ҳозирнинг ўзидаёқ саноатда фойдаланилмоқда.

Дастлабки лауреатлар

ҚОБУЛ. Қобулда 1981 йилги совет-афғон дўстлиги номли мукофот лауреатларининг дипломлари ва нишонларини топшириш тантанали маросими бўлиб ўтди. Совет Иттифоқидаги бир қанча жамоат ва ижодий ташкилотлар таъсис этган бу мукофотларга АХДП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, АДР тинчлик, бирдамлик ва дўстлик ташкилотининг раиси, Афғон—Совет дўстлик жамиятининг раиси Анахита Ротибзод хоним, Афғонистон Демократик ёшлар ташкилоти Марказий Комитетининг органи «Дарафше жавонон» газетаси, таниқли афғон рассомлари, кинематографиячилари, ёзувчилари, композиторлари ва артистлари сазовор бўлдилар.

Бундан буён ана шу мукофотлар АДРда амалга оширилаётган чуқур тараққийпарвар ўзгартиришларни акс эттирувчи адабиёт, музика, тасвирий санъат ва театр санъати, кинематография, журналистиканинг энг яхши асарлари учун, шунингдек Совет—Афғон дўстлигини мустаҳкамлашга кўмаклашувчи самарали ижтимоий фаолияти учун АДРдаги ижодкор зиёлиларга, олимларга, жамоат арбобларига ҳар йили бериладиган бўлади.

Анахита Ротибзод Хоним маросимда нутқ сўзлаб, мукофотланганларнинг фаолиятига юксак баҳо берганликлари учун Совет ташкилотларига миннатдорчилик изҳор этди. Фурсатдан фойдаланиб, деб таъкидлади у, революцион Афғонистоннинг барча меҳнаткашлари келгуси авлодларнинг бахт-саодати ва равнақи йўлида ҳар икки халқнинг дўстлиги ва қардошлигини бундан буён ҳам мустаҳкамлайверади, деб қардош совет халқини, Ленин партиясини ва совет давлатини ишонтираман.

Танқид қилмоқдалар

НЬЮ-ЙОРК. Миннеаполисда йиллик 50-конференцияга йиғилган Америка шаҳарларининг ҳокимлари Р. Рейган маъмуриятининг сиёсатини кескин танқид қилдилар.

Оқ уй, деди Миннеаполис ҳокими Д. Фрейзер, Америка шаҳарларининг талаб-эҳтиёжларини эътиборга олмаяпти. Жумладан, федерал маъмурларнинг 1983 молия йилида шаҳарларга ёрдам учун ажратиладиган маблағларни кескин қисқартириш режалари шундан далолат бермоқда. Масалан, бунинг натижасида Нью-Йорк 700 миллион доллар, Чикаго 500 миллион доллар, Детройт 300 миллион доллар кам маблағ олади. Бу эса Америка шаҳарлари бошдан кечираётган тангликни яна ҳам баттар кескинлаштиради.

Айни вақтда, деб таъкидлайди Д. Фрейзер, «ҳарбий харажатлар жуда катта мислсиз суръатлар билан кўпайтирилмоқда». Қуролларнинг янги турларини яратиш ва ишлаб чиқариш учун сарфланаётган миллиардлаб долларлардан мамлакатдаги ишсизлик ва уй-жой танқислиги каби кечиктириб бўлмайдиган проблемаларни ҳал этишда фойдаланилиши мумкин бўлур эди, деб уқтирди Миннесота штатидаги Сент-Пол шаҳри ҳокими Ж. Лейтемер.

Резолюцияларнинг бешта лойиҳаси конференция қатнашчиларининг кўриб чиқиши учун тақдим этилган. Бу резолюцияларда ядро қуролларини яратмаслик, ишлаб чиқармаслик ва жойлаштирмаслик талаб этилади. Америкадаги кўпгина шаҳарлар ўзларини «ядросиз зоналар» деб эълон қилди.



ПОЛЬША. Варшавадаги халқаро китоб ярмаркаси нашриёт, полиграфия соҳасидаги ютуқларнинг ёрқин кўригига айланди. Унда 19 та мамлакатдан 200 га яқин нашриёт ва савдо бирлашмалари қатнашди. Энг йирик экспозициялардан бири Совет Иттифоқиники бўлди.
СУРАТДА: совет экспозициясини кўздан кечиришаётган пайт.
ЦАФ—ТАСС фотоси.

ҚИСҚА ХАБАРЛАР

УЛАН-БАТОР Монголия чорвадорлари муҳим қишлоқ хўжалик кампанияси — қўзилатиш мавсумини муваффақиятли тугалламоқдалар. МХР Марказий Статистика Бошқармасининг хабар беришича, июнь ойининг бошларида чорвачилик хўжаликларида 9,024 миллионта қўзи олинди ва парвариш қилинмоқда. Бу ўтган йилдагидан 350 мингта кўпдир.

ЛОНДОН. Англия экспедициясининг Эверест чўққисини забт этиш йўлидаги уриниши фожиали тугади. Чўққига чиқиш вақтида экспедициянинг икки аъзоси — Жо Таскер билан Питер Бордмен ҳалок бўлдилар. Тахмин қилишларича, улар тикка қоядан қулаб тушганлар. Англия газеталари шу ҳақда маълум қиладилар. Экспедициянинг ҳар икки аъзоси тажрибали альпинистлар эдилар. Масалан, П. Боардмен 1975 йилдаёқ Эверестни забт этишда қатнашган эди.

ҚУВАЙТ. Америка маъмурияти яна Яқин Шарқдаги воқеаларга ошкора аралашишга қарор қилди, деб ёзади Баҳрайнда чиқадиган «Ахбор ал-холиж» газетаси АҚШ президентининг махсус вакили П. Хабибнинг мазкур регионга бўлажак визитини шарҳлаб. Бироқ империалистларнинг мантиқи шундан иборатки, деб таъкидлайди газета, улар халқаро можароларни бартараф этишга эмас, балки улардан ўзларининг ғаразли манфаатлари йўлида фойдаланишга интилмоқдалар. Арабларнинг душманлари, деб уқтиради «Ахбор ал холиж» газетаси, араб халқларини ўзларининг қонуний талабларидан воз кечишга мажбур этиш учун ҳар қандай имкониятлардан фойдаланадилар.

НЬЮ-ЙОРК. Қуролланиш пойгасининг маънавий ва юридик жиҳатларини ўрганишга бағишлаб Нью-Йоркда очилган халқаро симпозиумнинг руҳи ва мақсадини акс эттирувчи суратда иккига бўлиб ташланган милтиқни тантанавор кўтариб турган инсон ер шари фонида тасвирланган. Мана шу ваколатли анжуман ишида дунёдаги кўпгина мамлакатларнинг юристлари, сиёсат ва жамоат арбоблари иштирок этдилар.

Симпозиум СССРнинг қуролланиш пойгасини жиловлашга қаратилган янги тинчлик ташаббуслари айниқса ҳозирги вақтда халқаро жамоатчиликнинг орзу-умидларига ҳамоҳанг бўлаётганлигини намойиш қилди. «Тинчлик инсоннинг асосий ҳуқуқи» деган мавзу анжуман қатнашчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Икки мамлакат фаровонлиги йўлида

ХЕЛЬСИНКИ. Финляндия банкининг бош директори Ахти Карьялайнен Совет—Финляндия савдо иқтисодий муносабатлари самарали ва ўзаро манфаатли характерда эканлигини таъкидлаб ўтди.

А. Карьялайнен бу ердаги совет маданияти ва фани уйида нутқ сўзлаб, Финляндия территориясида Совет Иттифоқининг ёрдами билан йирик саноат объектлари, жумладан, Рахе шаҳрида металлургия комбинати, «Ловиса» атом электростанцияси қурилаётганлиги муҳим аҳамиятга эга эканлигини уқтирди. Лойиҳаларни биргаликда амалга ошириш кенг кўлам касб этди ва Совет Иттифоқи билан Финляндия ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорликда мустаҳкам ўрин эгаллади.

Тошкентнинг 2000 йиллиги олдидан

ШАҲРИМИЗ ТАРИХИ САҲИФАЛАРИ

Кўп йиллар давомида археологларимиз Тошкент шаҳрининг тарихини яратиш мақсадида шаҳар ичкарисида ва унинг атрофида қазиш ишларини олиб бордилар.

Қадимги одамлар дафн қилинган қабрларни, кўрғонларни ҳамда Мингўрик шаҳристони қолдиқларини қазиганда топилган қурол-яроғлар, тангалар ва шу каби материаллар Тошкент неча ёшда эканлигидан далолат беради. Лекин шунга қарамай, қадимги Чоч Шош шаҳрининг айнан қаерда жойлашганлиги номаълум эди. Бу жумбоқни Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг археология ва тарих институти олимлари ечишга муваффақ бўлишди. Археолог Ю. Буряков раҳбарлигидаги бир катор олимларнинг 1959 — 1960 йилларда қадимий Мингўрик шаҳрида олиб борган археологик қазиш ишлари натижасида мазкур жой харобалари кўҳна Шош эканлиги аниқланди.

Қадимий тарихий манбаларга қараганда Тошкент воҳаси қарийб икки ярим минг йилдан кўпроқ вақтдан бери мавжуд бўлиб, илгари бу ерда йирик, обод шаҳар бўлганлиги ҳақида қайд этилган. Эрамиздан аввалги биринчи минг йилликнинг бошидаёқ уруғ-қабилалар яшаган манзилгоҳда вужудга келган бу шаҳар ривожланишнинг узоқ ва машаққатли йўлини босиб ўтди. Бу даврга оид шаҳарнинг қадимий архитектура ёдгорликларидан ҳеч нарса сақланиб қолмаган, ҳаммаси замонлар ўтиши билан нураб, бузилиб йўқ бўлиб кетган. Ҳозирги Салор ариғи бўйида, Шарқ билан Европа ўртасидаги муҳим савдо йўллари туташган жойда маҳаллий аҳоли дастлабки уйларни — кўрғончаларни қуришган. Аҳоли бу ерда ҳунармандчилик, деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланганлар ҳамда шаҳардан оқиб ўтувчи Салор ва бошқа канал сувидан ўзларининг турли эҳтиёжларини қондиришган.

457 йили Ўрта Осиёдаги эфталитлар шоҳи Вахшунгар Чоғониён, Тоҳаристон, Бадахшонни ва бир қатор мамлакатларни босиб олгач, кейинчалик бутун Афғонистонга, Шимолий-Шарқий Ҳиндистонга, Шарқий Туркистонга, шу жумладан Ўрта Осиёга хам ҳукмронлик қила бошлайди. Эфталитлар давлатида ҳокимият аслзода бойдеҳқонлар қўлида бўлган. Ҳар бир аслзода деҳқон катта мулкка, қалъага, ўз ҳарбий гвардиясига эга бўлган. Бу даврда қалъалар, қасрлар қуриш кенг тарқалган. Булардан баъзи бирлари бизнинг давримизга, хароба археологик ҳолатда сақланиб қолган.

563— 567 йилларда турк хоқони Силсувул Олтой, Еттисув ва Марказий Осиёдаги қабила ва халқларни бирлаштириб ҳамда Эрон билан иттифоқ тузиб бир неча бор қилган ҳужумлари натижасида эфталитлар давлати қулади. Унинг ўрнига эса шу асрнинг ўрталаридан бошлаб мазкур қабила ва халқларни бирлаштирган йирик кўчманчилар давлати Турк хоқонлиги вужудга келади.

VII асрга келиб Чоч Ўрта Осиёнинг шимоли-шарқдаги мустаҳкам ўтроқ деҳқончилик маданияти ривожланган жойга айланди. Бу вақтларда шаҳар фақатгина савдо-сотиқ ишлари ривожланган марказ бўлибгина қолмай, балки ўзини, шунингдек Ўрта Осиё территориясининг шимол ҳамда шимоли-шарқидан таҳлика солувчи кўчманчилардан ҳимоя қилувчи ҳарбий аҳамиятга эга бўлган пункт вазифасини ҳам ўтади, унинг атрофида мустаҳкамланган турли мудофаа иншоотлари қурилди.

704 йили Араб ҳалифалиги томонидан Қутайба ибн Муслим Хуросон амири қилиб тайинлангач, унга Ўрта Осиёда араб ҳалифалиги ҳукмронлигини ўрнатиш топширилади. Ўрта Осиёнинг бир қатор шаҳарларини босиб олган Қутайба 713 — 715 йилларда Чоч (Тошкент)ни истило қилиб, шаҳардаги кўрғонларни, ноёб обидаларни ва бир қатор иншоотларни вайрон қилди, аҳолини шафқатсизлик билан қириб, уларнинг мол-мулкини талади. Илмли-билимдон кишиларни йўқ қилиб юборди.

Шундай қилиб, араблар истилосидан кейин Чоч (Тошкент) Шош, кейинчалик эса Шошканд деб юритила бошлади ва айни вақтда шу номдаги феодал давлат пойтахти бўлди. Шу билан бирга Чоч вилоятининг марказ шаҳри деб ҳам ҳисобланган. Бу вақтларда Шош (Тошкент) Салор бўйида, яъни ҳозирги вокзал — Чехов, Полтарацкий, Сапёрний кўчалари оралиғида жойлашган эди.

Аҳоли секин-аста Салор бўйини ташлаб, географик жиҳатдан ҳар томонлама қулай бўлган Бўзсув (Анҳор) бўйига кўчиб кела бошлади. Салор бўйидан ва бошқа жойлардан аҳолининг бу ерга йиғилиши натижасида аҳоли сони борган сари кўпайиб, территорияси кенгаяверган. Шундай қилиб, VIII асрнинг охирига келиб Шош ўз марказини ўзгартира бошлади. Салор бўйидаги аҳолининг деярли кўп қисми Бўзсув бўйига кўчиб келади. Янги шаҳарчада ҳаёт гуркираб изга туша бориб, Бўзсув бўйлари секин-аста обод бўла боради. Салор бўйидаги қадимий шаҳар эса емирила-емирила хароба тепаликларга айланиб қолади.

IX аср ўрталаридан то X аср охирларигача Шош (Тошкент)ни эронликлар Бинкет деб юритдилар. Бу вақтларда у Сомонийлар сулоласига қарашли йирик феодал савдо-сотиқ, деҳқончилик ва ҳунармандчилик ривожланган маъмурий шаҳарга айланди. Бинкент чегаралари мудофаа иншоотлари билан мустаҳкамланди. Бу эса унинг кўчманчи хонлиқлардан ҳимоя қилиш қудратини янада орттирди.

XI асрдан бошлаб эса шаҳар туркча Тошкент деб юритила бошлаган. Бу ҳақда машҳур олим, Шарқнинг буюк алломаси Абу Райҳон Беруний ўзининг «Ҳиндистон» номли асарида шаҳарни ҳозирги Тошкент деган туркий номини келтириб, қуйидагиларни ёзиб қолдирган: «...аксари мамлакатларнинг номлари ҳозирги вақтдаги номлардан фарқ қилади... (хусусан) тили бошқа бўлган қабилалар бирон жойни эгаллаганларида номлари тез-тез ўзгариб туради. Бошқа халқ маҳаллий номларининг маъносини бошқа тилга таржима қилганда номлар ўзгариб кетади, ҳамда бузиб талаффуз этади... «Шош» сўзи шу шаҳарнинг туркий номи Тошканддан олинган, яъни тошли қишлоқ демакдир. «Жуғрофия» китобида бу шаҳар эса Бурж ал ҳижора «Тош минор», «Тош қалъа» деб келтириб ўтилган.

Тарихчи ва сайёҳ Муҳаммад Қошғарий ҳам ўз асарларида юқоридаги гапларни тасдиқлаб «Таркан — Шош шаҳрининг номи, унинг асл номи Тошканд», маъноси— тошдан қурилган шаҳар демакдир» деб таърифлайди.

XI асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, кўҳна шаҳар тинчлиги яна бузилди. У бир неча бор турли феодал давлатларнинг қўлидан-қўлига ўта бошлади. XIII аср бошида Тошкентни Муҳаммад Хоразмшоҳ босиб олди ва 1214 йили мўғул қабилалари иттифоқи — тайижнутлар бошлиғи Есугей баҳодирининг ўғли Чингизхон қўшинларининг йўлини тўсиш мақсадида аҳолини кўчиради, шаҳарга ўт қўйиб, кулини кўкка совуради. Шундан сўнг шаҳарда ҳаёт бутунлай тўхтаб, бир неча вақтгача шаҳар тикланмади. Фақат Темурийлар давлати таркибига қўшиб олингандан кейингина қайта тикланди. Амир Темур даврида Тошкентнинг ҳарбий мақсаддаги роли бир мунча ошди. У ҳарбий юришлардан аввал кўп йиллар давомида бу шаҳарда ўз қўшинларини тўплар ва тайёргарлик кўрарди.

Темур ва темурийлар даврида шаҳар қиёфаси бир мунча ўзгарди. Ўша даврда ҳарбий иншоотлар, монументал меъморчилик обидалари бунёд этилди. Булардан ҳозиргача сақланиб келаётган Зангиота ва Шайхантоҳур ансамбллари, Чорсувдаги Жомеъ масжиди ва бошқалар шу давр меъморчилигининг ноёб намуналаридир.

XI асрнинг бошларидан Тошкент Шайбонийлар давлати таркибига, кейинчалик эса Бухоро амирлиги таркибига киради. Темурийлар инқирозидан сўнг, Шайбонийлар сулоласи даврига келиб шаҳар гуллаб-яшнади, унда бир қанча салобатли ва зийнатли бинолар қурилди. XVI аср ўрталарида Чорсудаги Кўкалдош мадрасаси, Ҳазрати имом (Хастимом) мавзеидаги Бароқхон мадрасаси ва унинг ичидаги Суюнчихон мақбараси, Ҳазрати имом ансамбли, Қаффол Шоший мақбараси ва ҳоказолар бунёд этилди.

XVIII асрга келиб Тошкент тўрт — Шайхантоҳур, Себзор, Кўкча ва Бешёғоч даҳаларига бўлинди. Бу даҳаларнинг ҳар бирини мустақил ҳоким бошқарган, ҳар қайсиси ўзича мустақил иш юритиб, уларнинг ўз оқсоқол ҳамда бошқа расмий кишилари — бошлиқлари ва амалдорлари бўлган. Турли сабабларга кўра бу ҳокимлар ўртасида тез-тез низолар бўлиб турар эди.

1784 йили Шайхантоҳур (Шайх Хованд Таҳур) даҳаси ҳокимининг ўғли Юнусхўжа ҳоким бўлиб кўтарилгач, қолган уч ҳокимни ҳам ўз тасарруфига олади. Феодал тарқоқликка чек қўйиб тўрт ҳоким, яъни «Чорҳоким»ликни бекор қилади. Юнусхўжа шаҳар мудофаа деворларини мустаҳкамлашга катта эътибор бериб, бир қатор иншоотлар бунёд эттиради.

1808 йили Олимхон томонидан Тошкент Қўқон хонлиги таркибига қўшиб олинади. Шу вақтдан бошлаб шаҳар Қўқон хонлигига тобе бўлиб қолади. 1784 йилдан то Қўқон хонлигигача мустақиллик даврини бошидан кечирган Тошкент шаҳри вилоятнинг маркази ҳисобланарди. Чирчиқ ва Оҳангарон воҳаси, Чимкент шаҳри билан бирга жанубий Қозоғистон областининг бир қисми, шунингдек, Туркистон ҳам ўша вақтларда Тошкент вилоятига қараган.

1865 йилдан бошлаб Тошкент Россия давлати составига қўшилади. 1867 йилдан эса Туркистон генерал-губернаторлиги составига, қўшилади шу билан бирга Сирдарё вилоятининг пойтахти бўлиб қолади.

Кейинги асрларда бунёд этилган ўтмиш меъморчилигининг бир қатор муҳташам намуналари сақланиб қолган. Булар Хўжа Аламбардор, Хўжа Нуриддин Бобо, Чўпон Ота, Иброҳим Ота, Хайриобод масжид ва мақбаралари, Абул Қосим эшон мадрасаси, Номозгоҳ масжиди ва шу каби иншоотлардир.

Шаҳримизнинг тарихий ўтмиш қиёфасини белгиловчи бу ноёб ёдгорликларни давлатимиз ўз қарамоғига олиб, таъмирлаш ишларини олиб боряпти.

А. ЯҲЕЕВ,
Ўзбекистон маданий ёдгорликларини таъмирлаш илмий тадқиқот ва лойиҳалаш институтининг архитектори.



Бугунги кунда Пушкин кўчаси беқиёс даражада ўзгариб кетди. Бу ерда бунёд этилаётган кўп қаватли муҳташам турар жой бинолари кўча юзига ҳолдек ярашиб турибди.
СУРАТДА: мазкур кўчада яқинда фойдаланишга топширилган турар жой ва маиший хизмат комплексининг кўриниши тасвирланган.
М. Нуриддинов фотоси.

Нодир маъданлар

РУТЕНИЙ ҲАМ ТОПИЛДИ

Нодир маъданлар группасига «аслзодалар» деб ном берилган. Ана шундай маъданлардан (олтин ва кумушдан ташқари) 6 та элемент —платина, палладий, осмий, иридий, родий, рутенийлар «аслзода» маъданлар қаторига киради.

Маълумки, платина олтинга нисбатан табиатда уч марта кам учрайди. Рутений платинага қараганда яна бир неча баробар кам учрайдиган элементдир, у платинасимонлар оиласи ичида кимёвий жиҳатдан энг актив ҳисобланади.

Рутений элементи кўп асрлар давомида инсонлардан «яшириниб» юрди. 1884 йилда биринчи марта топилди ва ажратилди. Бу кашфиётни Карл Клаус яратди: 16 ёшли бу бола аптекада ёрдамчи бўлиб ишларди, у ўз қолича тайёрланиб Дерпт дорилфунунига (ҳозирда Тарту университети) провизор лавозимига имтиҳон топширади. Илмий тадқиқотларга чанқоқлик уни олдин Саратов, сўнг Қозон шаҳарларига олиб келади.

1839 йили Қозон дорилфунунида профессорликка тайинланган Карл Клаус ишни намунали йўлга қўйишга ҳаракат қилади. Химия кабинетидаги элементлар ва уларнинг бирикмалар коллекциясини тўлғизиш учун Уралда қазиб олинаётган платинали руда қолдиғидан икки қадоқ (800 грамм) беришларини илтимос қилади. «Подшо ароғи» кислотасида эритилган платинали бу руда қолдиғи жуда ҳам «камбағал» бўлиб чиқди. Уларни анализ қилиш жуда ҳам машаққатли ва хавфли бўлди. Ускуналар (приборлар) кўмир алангасида қиздирилар эди. Атрофни буғ булутлари босиб кетарди. Айниқса осмийнинг бир бирикмаси нохуш оқибатларга сабаб бўлди.

Клаус кўп марта бетобланди. Лекин ҳар гал оёққа тургач, яна илмий-тадқиқот ишларини давом эттирар эди. У билан бирга жаҳоннинг машҳур химиклари ҳам тенг-баробар текширишлар олиб боришарди. Лекин уларга номаълум элемент тутқич бермади. Аслини олганда бу элемент улар қўлида бўлса-да, уни аниқлай олмадилар. Россия олимининг зўр маҳорати ва эксперимент санъатигина рутений элементининг сирини очишда калит бўлиб хизмат қилди. У ўзига хос ички хиссиётлари билан шу элементлар киришмасида янги бир элемент борлигини сезар эди. Мингдан ортиқ тажрибалар асосида у янги элементни алоҳида ажратишга муваффақ бўлди. Икки йил давомида у 6 грамм моддани ажрата олди.

Қозон химиги бу модданинг кўп бирикмалари хоссаларини ўрганди. Ўша замон фан тараққиёти ёрдамида у элементнинг атом оғирлигини аниқлади. Зеро, у вақтларда Менделеевнинг элементлар даврий системаси ҳали йўқ эди. Менделеев Клаусни: — Табиат фундаменталь қонунларини очишга ёрдам қилган биринчилардан, деб атади. Шундай қилиб, 1844 йили профессор Клауснинг «Урал платинали рудалар қолдиғини ва рутений элементини текшириш» деган асари босмадан чиқди. Олим ўзи топган элементни лотинча Рутений («Россия») деб атади.

Ўрта Осиё тупроғида осмийлик иридий минерали биринчи бор 39—40 йилларда Марказий Тянь-Шаннинг Норин дарёси (Қирғизистон)даги олтинлик қум сочмалари орасидан топилган эди. Ўзбекистонда эса, бу нодир группанинг элементлари биринчи бор И. Ҳамробоев шогирдлари— Лихейдов ва А. Мусаевлар томонидан Қизилқумдаги Томдитовнинг хромит рудалари ичидан топилди. Бу палладийли платинанинг игна учидеккина доначаси эди. Шундан бери платина ҳам, палладий ҳам, родий ҳам кимёвий йўл билан жуда ҳам оз миқдорда Ўрта Осиёнинг у ер-бу ерида топилиб турди. Рутений эса «тутқич» бермас эди

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Ҳ. Абдуллаев номидаги геология ва геофизика институти лабораторияларида нодир элементларни ер бағридан излаб топиш тўғрисида Ленин мукофоти лауреати, Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги И. Ҳамробоев бошлиқ ва унинг шахсан иштирокида катта илмий кашфиётлар қилинди, бу ишлар ҳозирда ҳам самарали давом эттирилмоқда. Яқин ўтмишда Ўзбекистонда биринчи бўлиб кумуш ёмбиси («Қурбақа олтин») топилган бўлса, И. Ҳамробоевнинг даладан келтирган тош намуналари таркибидан платина группасига кирувчи элемент топилди. Бу элемент рудасининг топилишига сабаб, биринчидан И. Ҳамробоевнинг синчковлиги бўлса, иккинчидан институтимиз ихтиёрида бундан 10 йиллар муқаддам Франциядан сотиб олинган Микрозон ускунасининг Г. М. Сташков қўл остида муваффақият билан ишлаб туришидир.



Рутений элементи (расмга қаранг)нинг ёмбиси шу приборда яхши маҳорат билан ишлаётган ёш физиклардан — Муборак Мусаева томонидан анализ вақтида аниқланди.

Вольфрам катоддан юқори киловатт таъсирида отилиб чиқаётган электрон оқими текширилаётган объектга тушиб, унда рентген нурларини уйғотади. Текширилаётган минерал таркибини аниқлаш учун шу уйғотилган рентген нурини шу элемент учун тааллуқли бўлган тўлқин узунлигини ва рентген спектрининг интенсивлигини аниқ билишимиз керак. Бунинг учун махсус эталон жадваллардан фойдаланилади. Элемент ёки минерал анализи қиёс усулида ўтади. Лабораторияда таркиби аниқ эталонлар мавжуд. Текширалаётган намуналар шу эталонларга солиштирилади. Масалан, табиатдаги олтин ва кумуш аралашмасидаги уларнинг миқдорини текшириш керак бўлиб қолди. Бунинг учун олинган анализ натижаларини лабораториядаги мавжуд уч хил: олтин— 0,78, 0,684, 0,802 процент. Кумуш — 0,219, 0,316, 0,193 процентлар билан солиштирилади ва математик мутаносиблар ёрдамида табиий намунадаги олтин ёки кумуш миқдори аниқланади. Биринчи галда эталон текширилади. Таркиби аниқ эталонда (олтинда), дейлик прибор 10 минг импульс санади, кейин намунага ўтиб импульс саналади. Намунадаги импульснинг эталондаги импульсга бўлган нисбати бизга намунадаги элементнинг (олтиннинг) таркибини беради. Прибор минералнинг аниқ составини аниқлашдан ташқари, шу минералда элементларнинг қандай тарқалганини ҳам алоҳида чизиқларда ва расмларда кўрсатиб беради.

Шундай қилиб, кимёвий жадвалдаги 44-элемент— рутений ҳам топилди. Академик И. Ҳамробоев буни изоҳлаб шундай деди: «Ниҳоят Ўзбекистон ер бағрида Менделеев жадвалига кирувчи ҳамма элементлар топилди десак бўлади».

М. ЗОКИРОВ,
геология-минералогия фанлари доктори.

Юқорида рутений ёмбисининг 400 марта катталаштирилган сурати.

МАДАНИЯТ ХАБАРЛАРИ

Меҳнат кишилари ҳақидаги фильмлар

Корхонада ишлаб турган «Синтез» ҳаваскорлик киностудиясининг қатнашчилари суратга олабошлаган янги кино лента «Фергананефтеоргсинтез» ишлаб чиқариш бирлашмасининг илғор нефтчиси, ёшларнинг мураббийси Гельмут Зелга бағишланган. Фильм СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги муносабати билан кино ҳаваскорлар яратаётган меҳнаткашлар тўғрисидаги фильмлар туркумини давом эттиради.

Ҳозирги вақтда Фарғона областида қарийб элликта ҳаваскорлик киностудияси ишлаб турибди. Уларнинг ҳаммаси шонли сана—Совет давлати ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига ўтказиладиган фестивалга тайёрланмоқда.

Камер музика янграмоқда

Самарқанд опера ва балет театрида бу ерда тузилган камер оркестрининг лекция концертлари бўлиб ўтди. Ижрочилар — профессионал музикачилар, санъат билим юртларининг студентлари, музикашунослар тингловчиларни классикларнинг, Ўзбекистон замонавий композиторларининг ижоди билан таништирдилар.

(ЎзТАГ).

«Нафосат оламига дастлабки саёҳат».

М. Нуриддинов фотоэтюди.

ЛЕНИННОМАГА ҚЎШИЛГАН КАТТА ҲИССА

В. И. ЛЕНИН БИОГРАФИК ХРОНИКАСИНИНГ ЎН ИККИНЧИ ТОМИ БОСМАДАН ЧИҚДИ.

Улуғ ҳаёт саҳифаларини гавдалантирувчи ноёб нашр устидаги иш ниҳоясига етказилди, деб хабар қилишди КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги марксизм-ленинизм институтида ТАСС мухбирига. Бу — Лениномага қўшилган катта ҳисса, партиямиз, жаҳон коммунистик ва ишчилар ҳаракати турмушида муҳим воқеадир.

Ўн иккинчи том йўлбошчи ҳаёти ва фаолиятининг сўнгги даврини — 1921 йил декабридан 1924 йил январгача бўлган даврни ўз ичига олади. Унга тўрт мингтага яқин янги ҳужжат киритилди. Бу эса унинг тўла асарлари тўплами 44 ва 45 — томлардаги «В. И. Ленин ҳаёти ва фаолияти саналарида эълон қилинган шу даврга тегишли ҳужжатлар сонидан беш баравар ортиқдир.

Китобда соғлиги жуда ёмонлашган Владимир Ильич нақадар зўр ғайрат билан ишлаганлиги, партия Марказий Комитети билан Совет ҳукуматининг фаолиятига раҳбарлик қилишни давом эттирганлиги, социалистик қурилиш программасини ишлаб чиққанлиги кунма-кун кўрсатиб берилган. Айни шу даврда — 1922 йилнинг 23 декабридан 1923 йилнинг 2 мартигача В. И. Ленин сўнгги хатлари ва мақолаларини ўзи айтиб туриб ёздирди, бу асарлар фикрларнинг бойлиги ва баён этилган назарий қондаларнинг муҳимлиги жиҳатидан йўлбошчининг ғоявий меросида алоҳида ўрин олади, унинг сиёсий васияти ҳисобланади.

В. И. Ленин кўп миллатли Совет давлатини қуриш масалаларига кўп эътибор берди. У иттифоқ давлатининг конкрет формасини белгилаб, тенг ҳуқуқли, мустақил совет республикаларининг ихтиёрий бирлашуви негизида Совет Социалистик Республикалари Иттифоқини барпо этиш ғоясини ўртага қўйди. Китобда келтирилган кўпдан-кўп ҳужжатлар Владимир Ильич бу ғояни турмушга тадбиқ этиш учун нақадар изчиллик ва сабот билан курашганини кўрсатади. Лениннинг СССР ҳақиқий илҳомчиси ва бунёдкори бўлганлигини яққол тасвирлайди. СССРнинг 60 йиллиги бу йил нишонланмоқда.

Биографик хроникада ҳозирги вақтгача маълум бўлган ҳамма тарихий манбалардан фойдаланилди. В. И. Ленин ҳаёти ва фаолиятига оид ҳамма аниқ воқеалар ва фактлар рўйхатга олинди. Уларнинг ҳаммаси битта хронология ипига тизилди, унда йўлбошчининг ҳаёт йўли йилма-йил, ойма-ой, кунма-кун, соатма-соат, баъзан эса минутма-минут тасвирлаб берилган. Воқеалардаги қатнашган минглаб кишилар ва шу воқеалар содир бўлган жойлар (адреслар) ҳам хроникада кўрсатилган.

В. И. Лениннинг ўн икки томли биографик хроникаси — чинакам коллектив асардир. Уни бунёд этишда СССР ва бошқа социалистик мамлакатларнинг кўпгина илмий муассасалари ёрдам берди. Совет журналистлари, партия ветеранлари, коммунистлар, чет давлатлардаги илғор зиёлилар ва ёшлар шу ноёб нашрга киритилган ва Ленин номи билан боғланган янги ҳужжатларни қидириб топишда ёрдам бердилар.

(ТАСС).

АЖОЙИБОТЛАР ОЛАМИДА

ЁН ҚУЁШ СОАТИ

Рига шаҳри ва денгизчилик тарихи музейининг ходимлари бундан 200 йил аввал номаълум бир уста ясаган ихчам қуёш соатини топдилар. Диаметри 14 сантиметрга борадиган анча йирик милли бу нусха жуда яхши сақланган.

Одамлар сояга қараб вақтни аниқлашни эрамиздан минг йил аввалроқ ўрганган бўлсаларда, ўрта асрларга келгандагина олиб юриладиган қуёш соатлари пайдо бўлган ва улар секин-аста такомиллаштирилган. Механик соатнинг ўтмишдоши бўлган бундай соатлар XIX асргача муомалада қолган.

Қуёш соатидан фойдаланиш унинг эгалари маълум даражада географик билимли бўлишларини тақозо қилган. Масалан, Ригада топилган приборнинг эгаси соат неча бўлганлигини билиш учун аввало жойнинг кенглигини қайд этиш, сўнгра эса соат корпусига ишланган компас ёрдамида меридиан йўналишини аниқлаши керак бўлган. Соат вақтни беш минутгача аниқликда кўрсата билган. Ундан кундузи ва ҳаво очиқ бўлгандагина фойдаланиш мумкин бўлган, албатта.

Музейда ноёб, ихчам қуёш соатлари коллекцияси йиғилган. Улар орасида XVII—XVIII асрларда ясалган гугурт қутисидек келадиган ён соат моделлари бор. Улар 15 минутгача хато кўрсатган бўлсада, бунинг ҳеч кимга зарари етмаган. Магнит стрелкаси билан таъминланган бундай ихчам соатлар жез, бронза, фил суяги ва ёғочдан ишланиб, ўймакор гуллар билан безатилган ва чарм ғилофда олиб юрилган.

С. ШПУНГИН,
ТАСС мухбири.

ТО СПРАВКАЛАР БЮРОСИ
ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Б. ИКРОМОВ: Яқинда пенсия ёшига тўламан, стажим тўлиқ. Пенсиямга қўшиб қанча устама ҳақи берилади?

Жавоб: Давлат пенсиялари тўғрисидаги Қонунга биноан пенсия тайинлашда бир қанча ҳолларда пенсиянинг асосий суммасига процент ҳисобида ёки қатъий миқдорда устамалар қўшиб берилади. Бундай устамалар умумий ёки узлуксиз стаж, қарамоғидагиларини боқиш ва парвариш қилиш учун берилади.

* * *

В. САМАДОВА: Мен 19 йилдан бери тикувчилик фабрикасида ишлардим. Маошим 81 сўм эди. Яқинда III группа инвалиди бўлиб қолдим. Менга қанча инвалидлик нафақаси тўланади?

Жавоб: СССР Министрлар Советининг 1956 йил 4 август кўрсатмаси билан тасдиқланган давлат пенсияларини белгилаш ва тўлаш ҳақидаги қоиданинг 38-бандида кўрсатилишича, умумий касаллик туфайли тайинланган инвалидлик пенсиясининг минимал миқдори I группа инвалидлар учун 70 сўм, II группа инвалидлар учун 45 сўм, III группа инвалидлар учун 21 сўмдан иборат.

Ҳамма инвалидлар учун, яъни ҳарбий хизматчилар орасидан чиққан ва ишчи ёки хизматчи бўлишларидан қатъий назар максимал инвалидлик пенсияси миқдори I группа инвалидлар учун 120 сўм, II группа инвалидлар учун 120 сўм, III группа инвалидлар учун 60 сўмдан иборат.

Ишлаётган III группа инвалидларига (ҳарбий хизматчилар орасидан чиққан III группа инвалидларидан ташқари) белгиланган пенсия ва иш ҳақи қўшилганда пенсия тайинлашдан аввалги иш ҳақидан ошмаслиги керак. Бунда 120 сўмдан ошмаган ойлик иш ҳақи билан III группа инвалидлари учун 50 процентдан кам бўлмаслиги шарти билан пенсия ҳақи тўланади.

* * *

П. ОТАБЕКОВ: Ҳомиладор аёлларни бошқа ишга ўтказиш тартиби қандай?

Жавоб: Агар ҳомиладор аёл енгил ишга ўтишга зарурат сезса врач бу тадбирнинг зарурлигини тасдиқлаган кундан бошлаб, то ҳомиладорлиги учун отпускага чиққан кунгача шундай ишга ўтказилиши лозим. Ҳомиладорлиги сабабли енгил ишга ўтказилган аёлнинг эски иш ҳақи сақланади. Бунда сўнгги олти ойдаги ўртача иш ҳақи эътиборга олинади. Умумий қоида бўйича енгил ишга ўтказилган ҳомиладор аёлнинг ўртача иш ҳақининг — сақланишига унинг енгил ишда ишлаб чиқариш нормасини бажариш ёки бажармаслигининг дахли йўқ. Фақат ип-газлама, трикотаж, тамаки, енгил саноат корхоналаридаги тўр тўқиш фабрикаларида енгил ишларга ўтказилган аёллар бундан мустасно.

Бу корхоналардаги ҳомиладор аёлларнинг сўнгги олти ой ҳисобидан ўртача иш ҳақи янги иш жойида ишлаб чиқариш нормаларини бажарганлари тақдирдагина сақланади. Енгил ишда гарантияланган иш ҳақидан кўп иш топсалар, улар қилган меҳнатларига яраша ҳақни олавeрадилар.

А. ҲАСАНОВ,
юрист-консультант.

• ИЗЗАТИНГДАН АЙРИЛМА

ТАМАГИРЛИК ОҚИБАТИ

Бу кўнгилсиз воқеага «ювиш» баҳона бўлди.

...Аҳмаджон ўғил кўрди. Ўша топда у қувончдан ўзини қўйгани жой тополмасди. Унинг осмонга сакрагиси, кўринган таниш-билишни қучоқлаб, ўпиб қувончини у билан баҳам кўргуси келарди. Хаёлига тўсатдан келган бир фикр уни ишхонаси томон етаклади. Ҳали иш куни тамом бўлишига ярим соат бор. Жадал юрса ўн минутда етиб боради ишхонасига.

Ҳамкасблари бу янгиликни эшитиб, Аҳмаджонни ўраб олишди. Кимдир қўлини сиқди. Бировлар табриклади, бировлар уни қучиб-ўпди. Бир четда туриб бу воқеани кузатаётган Карим қилтириқ (у ўлгудек озғин бўлгани учун ҳамкасблари уни шундай деб аташади) «Ҳозир ювасан»,—деб Аҳмаджонга ёпишиб олди.

Аҳмаджон ноилож қолди. Бу таклифни инкор этишнинг сира иложи йўқ эди. Лекин «хўп» дейишга ҳам тили бормасди. Чунки унинг ёнида тузук-қуруқ пули йўқ эди. Аҳмаджоннинг иккиланиб туришидан мақсадни тушунган Карим ёнидан шарт юз сўм чиқариб унга тутди.

— Пулинг бўлмаса мана буни ол. Кейинги ойликда берарсан. Ёшингда биздек дўстларинг бўлганда парво қилма. Анчадан бери ўтиришмадик. Чақалоқ баҳона бир ёзилишиб қолайлик дейман-да, ўғил бола.

Бу фикрга баъзилар қарши чиқди. «Ахир ўтириш бўлса қочмас, кейин ҳамаслаҳат бўлар», дейишди. Лекин қилтириқ «бугунги ишни эртага қўйма» деган гап бор деб, ҳеч кимга сўз бермади.

Чойхонада базми-жамшид қизиб кетди. Аввал Аҳмаджонга, кейин унга «қўчқордек ўғил» туғиб берган рафиқасига, ниҳоят чақалоқ Алишерга (улфатлар унга шундай деб ном беришди) узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилашди. Қимматли дўстларининг қалб сўзларидан ҳаяжони жўшиб, уларга бўлган меҳри тобора ошиб бораётган Аҳмаджон ичкилик учун пулни аямади. 4-5 шиша бўшатилгандан кейин кайфи ошиб қолган дўстлар энди бир-бирларига сўз бермай қолишди.

— Менга қара, — деди ичкилик зўридан тинимсиз ҳиқичоқ тутаётган Ҳамид исмли йигит Аҳмаджоннинг ёқасидан тортиб, — сен менинг укам бўласан-а?!. Пўқ, йўқ тонма. Укам бўласан. Ишхонага биринчи келганингда мен сенга устозлик қилганман, тўғрими?

— Ҳов найнов, унинг ҳақиқий устози менман. Ахир ўзинг айтсангчи, Аҳмаджон, — сўз отди қилтириқ.

Шу топда Аҳмаджон нима дейишни билмай гаранг эди.

— Тўғри, иккалангиз ҳам устазимсиз, — деди у ҳеч кимнинг кўнглини қолдиргиси келмай.

— Ие, бу нима деганинг, номард? Ҳов эсингдами, эшикдан елка қисиб келганингда биринчи бўлиб ким сенинг бошингни силаган.

— Ахир ўшанда...

Аҳмаджоннинг гапи оғзида қолди.

— Мана сенга яхшиликни билмаган номард.

— Вой аблаҳ-ей, мени— устасингнинг яхшилигини билмадинг-а?

Икки устоз шогирдини муштлаб кетишди. «Ёв қочса —ботир қупаяр» қабилида иш тутган давранинг қолган меҳмонлари ҳам Аҳмаджонга оч бўридек ташланиб, уни йиқитишди-да, роса тепкилашди.

Чойхонада ўтирган бошқа даврадаги кишилар эса, олдинига «нима қиламиз» дегандек бир-бирларига қарашди. Бироқ, бу «шер юракларга» бас келолмасликларини билишди шекилли, елка қисиб жўнаб қолишди. Яхшиям чойхоначи бор экан. Агар у милиция чақирмаганида ишнинг охири фожиа билан тугаши аниқ эди. Аҳмаджон касалхонада ҳушига келди...

Ҳаётимиз ширин, турмушимиз доимо фаровон бўлиб бораяпти. Гўзал замонамизга ёт баъзи урф-одатлар кундалик ҳаётимиздан чиқиб бормоқда. Лекин баъзи иллатлар ҳам йўқ эмас. Шулардан бири биз юқорида ҳикоя қилган «ювиш»дир. Инсон ҳаётида учраётган тасодифда кўнгилсиз воқеаларнинг кўпчилиги ана шу «ювиш» сабабли содир бўлаётгани кишини ташвишга солмай қўймайди, албатта. Лекин минг афсуски, ичкиликка ружу қўйган баъзи кишилар «ювиш» деган сўзни ўзларига бинойидек касб қилиб олмоқдалар.

Баъзи корхоналарда бунинг кетидан қуваётган кимсалар учрайди. Жумладан, янги ишга келган ишчи биринчи маошини ювиши керак. У мустақил ишга ўтгач, ихчам даврада яна бир «эрийди». Баъзилар эса то қўлидан иш келгунга қадар устозининг вақти-вақти билан «суҳбатини» олиб туриши керак. Бу қандай гап ўзи? Бунинг номини нима деб аташ керак? Бу, бизнингча бориб турган тамагирликдан ўзга гап эмас.

Албатта, инсон ҳаётида яхши кунлар бўлади. Бундай вақтларда қувончингни, муваффақиятингни бировлар билан ўртоқлашгинг келади. Айтайлик, сиз узоқ тунлар уйқусиз изланишлар эвазига олим бўлдингиз, ёки оилангизга янги квартира берилди, ё бўлмаса фарзанд кўрдингиз. Бундай қувончли воқеаларни нишонламай бўлмайди, албатта. Лекин шунда ҳам обрў-эътиборли, тадбирли одамлар билан бамаслаҳат иш тутиш, энг муҳими меъёр деган сўзга риоя қилишни унутмаслик керак.

Т. НУРИДДИНОВА.

СУРАТДА: шаҳримиздаги «Спартак» стадионида ёш боксчилар спорт секциясининг навбатдаги машғулот пайти тасвирланган.

Р. Альбеков фотоси.

• Энг яхши муолажа

ГИМНАСТИКА-БАРДАМЛИК МАНБАИ

«Чевар» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси йирик саноат корхоналаридан ҳисобланади. Чеварларнинг меҳнат ютуқлари, довруғи катта. Бу ерда машғулот ўтказиш одат бўлиб қолган. Гимнастика машқларини бажариш методист Абдураҳим Абдураҳимонов бошчилигида олиб борилади.

— Корхонада мингдан зиёд ишчи ва хизматчи ишлаб чиқариш гимнастикаси билан мунтазам шуғулланади, — деди у. — Гимнастика уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, бардамлигини таъминлаш, меҳнат қобилиятини оширишга ёрдам беряпти.

Ҳар ойда цех методистлари билан семинар ўтказилади. Янги машқларни бажариш методикаси ўрганилади. Кейин бу машқ усулиги барча цехларда амал қилинади. Методистлардан Ноила Бухашева, Мавжуда Сайфутдинова, Феруза Нурматова, Фотима Мажидовалар гимнастикани турмушга сингдиришда жонбозлик кўрсатишяпти. Ишлаб чиқариш гимнастикасини намунали ташкил этиш бўйича кўрик-конкурслар ўтказиш анъанага айланиб қолди. Ғолибларга совғи топширилди.

Конкурс шартларига кўра машқлар сифати, уларнинг мунтазамлиги, методистларнинг бошқариш маҳоратлари ҳисобига олинади. Бирлашма командаси 1980 йили республикадаги тикувчилик корхоналари командалари билан баҳслашиб, совриили ўринчи ўринни эгаллашган эди. Ўтган йили эса Тошкентдаги маҳаллий саноат бошқармаси корхоналари физультурачилари билан беллашишда юксак маҳорат кўрсатиб, биринчи ўринни эгаллади.

Спортнинг бошқа турлари бўйича ташкил қилинган секцияларда ҳам машғулотлар мунтазам ўтказиляпти. Шахмат-шашка, бадминтон, стол тенниси бўйича ҳар йили корхона спартакиадаси ўтказилиб турилади.

Ўтган йили спортчилар юксак ютуқларни қўлга киритишди. Шаҳар маҳаллий саноат бошқармаси корхоналари орасида стол тенниси бўйича ҳамда қизлар орасида волейбол бўйича яхши иштирок этишиб, иккинчи ўринни эгалладилар.

Қисқа қилиб айтганда, бу ерда физкультура ва спортни чеварларнинг севимли машғулотига айлантиришга ҳаракат қилинмоқда.

Ш. ҲИДОЯТОВ.



СУРАТДА: Тошкентдаги В. И. Ленин номли республика пионер ва ўқувчилар саройининг умумий манзарасини кўриб турибсиз.

К. Исоқов фотоси.

• Шифобахш мевалар

ЧЕРНИКАНИНГ ФОЙДАСИ

Черника таркибида ошловчи моддалар борлигидан шифобахш мева ҳисобланади. Ошловчи моддалар яллиғланишга қарши, дезинфекцияловчи ва буриштирувчи таъсир кўрсатади. Бундан ташқари, улар ичак ширасининг ажралишини секинлаштиради, бу эса ичакда сўрилиш процессининг яхшиланишига олиб келади.

Қуритилган черника (черника қоқи) ўз хусусиятларини йўқотмайди. Ич бузилишининг ўткир ва сурункали турида черникадан тайёрланган кисель, компот ёки чой буриштирувчи восита сифатида ичилади. Булар меъда шираси кислоталилиги камайиб кетган, меъда ости безининг сурункали касаллиги бор беморларга, ингичка ичак ва йўғон ичакнинг яллиғланишидан азият чекаётганларга тавсия этилади.

Черника қайнатмаси, дамламаси, черника кисель наҳорга ва овқатланишдан олдин ичилади. Агар улар овқатланиб бўлиб ичиладиган бўлса, ошловчи моддалар таомдаги оқсил билан бирикиб кетади. Бунда черниканинг шифобахш самараси пасаяди.

Сўнгги пайтларда янги узилган черникада кўзни ўткир қиладиган моддалар борлиги аниқланди. Шунинг учун уни кўзга эўр келадиган ишда хизмат қилувчиларга профилактика мақсадида тавсия этилади.

М. ОРИФЖОНОВА тайёрлаган.

О. Б. БОҚИЕВ

Ўрта Осиё темир йўлининг соглиқни сақлаш хизмати оғир жудоликка учради. Йўл клиник касалхонасининг бош врачи, фахрий темирйўлчи, КПСС аъзоси Олим Боқиевич Боқиев 1982 йил 27 июнда 68 ёшида вафот этди.

О. Б. Боқиев 1914 йилда Тошкент шаҳрида ишчи оиласида тугилди. Тошкент Давлат медицина институтини тугатгандан сўнг Чирчиқ шаҳридаги шаҳар касалхонасида врач-ординатор бўлиб ишлади. 1941 йилдан 1958 йилгача Совет Армияси сафида хизмат қилди. Хизмат муддатини ўтаб бўлганидан кейин йўл клиник касалхонаси бош врачининг ўринбосари, 1968 йилдан бошлаб бош врачи бўлиб ишлади.

О. Б. Боқиев ёш врачларни тарбиялашга кўп куч-гайрат сарфлади, жамоат ҳаётида актив қатнашди. 1978 йилдан бери у халқ депутатлари Ҳамза район Совети депутати эди.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати О. Б. Боқиевнинг хизматларини юксак тақдирлади. У икки марта Қизил Юлдуз ордени, II даражали Ватан уруши ордени, «СССР соғлиқни сақлаш аълочиси» нишони билан мукофотланган, унга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган врач» Фахрий унивони берилган эди.

Ажойиб инсон, соғлиқни сақлаш ишларининг истеъдодли ташкилотчиси Олим Боқиевич Боқиевнинг ёрқин хотираси қалбимизда мангу сақланиб қолажак.

Бир группа ўртоқлари.

Редактор
Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ

РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА

ТЕЗ ВА ТОЗА

Қандай газламани ювишингизга қараб ўшанга мос кир ювиш воситаларидан фойдаланинг.

«ЛАНДИШ» пастаси универсалдир. У каноп, ип-газламаларни, шунингдек шойи газламаларни бир хилда яхши тозалайди. «Ландиш» пастаси билан ювилган кирни қайнатиш ва синька қўшишнинг ҳожати йўқ.

«БИО» пастаси ёрдамида каноп, ип, синтетик газламалардан тикилган буюмларни тез ва осон ювиш мумкин. Паста таркибида самарали биоқўшимчалар бўлганлиги учун у ҳар қандай доғларни бемалол кетказади. Бу паста оз кўпирганлиги учун ундан машинада кир ювганда фойдаланиш айниқса қулай.

«ЛОТОС»— синтетик кир ювиш порошогидир. «Лотос» таркибига кирни оқартирувчи самарали восита ҳам киради. Ана шу порошокда ювилган ип-газлама буюмлар тоза ювилиб, ёқимли ҳаво рангида товланиб туради.

«ОКА» — биоқўшимчаси бўлган синтетик кир ювиш порошоги. Бу кирдаги сут, тухум, какао ва бошқа оқсил доғларини кетказа оладиган мамлакатимизда ишлаб чиқарилган дастлабки кир ювиш порошогидир. «Ока»дан машинада кир ювганда фойдаланиш маъқул.

Тўр, дарпарда, юнқа жун, гипюр буюмларни «Каштан» билан ювган мақсадга мувофиқ. «КАШТАН» суюқ, синтетик кир ювиш воситасидир, унинг таркибида махсус оқартирувчи модда бўлганлиги учун у ювилган кирларни жуда ҳам оппоқ қилиб кўрсатади, гулдор газламалар эса худди янгидек бўлиб қолади. «КАШТАН» воситаси билан ювилган буюмлар ёқимли ҳид таратади.

Ванна, раковина, ошхона идишларини, пластмасса, усти мойли бўёқ ёки эмаль билан бўялган сопол кошинлар ва плиталарни чинидек ялтиратишда сизга «ЖЕМЧУГ», «ВИЛЬВА», «ЧИСТОЛЬ», «ЭГАТА», «УНИВЕРСАЛЬНАЯ—2» пастаси ёрдам беради.

Пасталар, кир ювиш ва тозалаш порошоклари юмушларимизни енгиллаштиради, вақтимизни тежайди.

Кир ювиш пасталари, кир ювадиган ва тозалайдиган порошокларни

«ЧИЛОНЗОР» САВДО МАРКАЗИДАН
ВА
«ТАШХОЗТОРГ» МАГАЗИНЛАРИДАН
СОТИБ ОЛИШ МУМКИН.

«ЧИЛОНЗОР» САВДО МАРКАЗИ.
«ТАШХОЗТОРГ».

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН АГЕНТЛИГИ.

Тошкент шаҳар ижроия комитети

маиший хизмат кўрсатиш бошқармасининг

«ФОТОРЕКЛАМА» КОМБИНАТИ» СИЗНИ

Ҳамза районидаги Лисунов кўчаси, 1«а»-квартал, 54-уйда очилган

ЯНГИ «ШОДЛИК» ФОТОСТУДИЯСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

Бу ерда ҳужжатлар учун сурат олдириш мумкин. Тажрибали усталар, корхоналар ва ташкилотларнинг буюртмасини, Ҳурмат тахтаси учун ишлаб чиқариш илғорларининг фотосуратларини ишлаб беради, альбомлар, веньетки, буюртмачининг фотосурати туширилган барельефлар, турли бадиий фотоларни тайёрлаб беради.

Оқ-қора фондаги фотосуратларни рангли бўёқлар билан бўяб беради.

Янги фотостудияга ўрнатилган асбоб-ускуналар фотосуратларни сопол ва ёғоч буюмларга ишлаш имконини беради.

Хоҳловчилар, «Шодлик» фотостудиясига кино ва фотопленкаларни чиқариб бериш учун топширишлари мумкин. Иш вақти соат 9 дан 20.00 гача— ҳар куни.

Собир Раҳимов районидаги Қорақамиш 2/4 массивида 16-фотосалон қора-оқ тасвирли суратларга буюртмалар қабул қилмоқда.

Буюртмачи фотосуратидан барельеф ишлаш, рангли портрет, сопол кувачага ишланган буюртмачининг рангли портрети, виньеткалар, ишлаб чиқариш илғорларининг полировка қилинган ёғоч қутичаларга фототасвирини тушириш— буларнинг ҳаммаси янгиликлардир.

«Фотореклама» комбинати бажараётган хизмат турлари ҳақида зарур справкалар олиш учун 33-49-64 телефонига қўнғироқ қилиш мумкин.

«ФОТОРЕКЛАМА» КОМБИНАТИ ХИЗМАТИДАН ФОЙДАЛАНИНГИЗ!

Акмал Икромов районидаги 54-кечки ишчи-ёшлар мактаби томонидан Зайниддинов Камолиддин Абдусаидович номига берилган 969763 номерли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ГЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов районидаги 1-мактаб томонидан Исломова Дильфуза Абитовна номига берилган 535368 номерли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ГЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ХИЗМАТНИНГ ЯНГИ ТУРИ!

Янги автомобилнинг салони кўркамлиги ва шинамлиги билан кўзни қувонтиради. Ҳаммаёқ чиннидек ялтирайди, ҳамма нарса ўз ўрнида. Аммо вақт ўтиши билан кабина шифти ифлосланади, суянчиқлар, ўриндиқлар кир бўлади, эшиқ тирқишларига чанг ўтиради. Қандай қилиб уни аввалги ҳолга келтириш мумкин?

Бунинг учун «ХИМЧИСТКА» фабрикасига мурожаат қилсангиз кифоя, барча муаммолар ўз-ўзидан ҳал бўлади. Буюртма шу ернинг ўзида, Западная кўчасидаги 1-уй, «ХИМЧИСТКА»нинг 1-тез тозалаш филиалида расмийлаштирилади.

Буюртмангиз кўз олдингизда бажарилади, бунинг устига зудлик билан адо этилганлиги учун қўшимча ҳақ олинмайди. Хизмат ҳақи ҳам қиммат эмас — тозаланадиган буюмларнинг сони ва автомашина маркасига қараб, 3 сўмдан 7 сўмгача туради.

«ХИМЧИСТКА» ФАБРИКАСИ.

ЭКРАНДА ЗАНГОРИ

29 ИЮНЬ — СЕШАНБА
Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

17.55 П. И. Чайковский номли VII Халқаро конкурсда. 18.40 «Рассомлар ҳақида ҳикоялар». Рокуэлл Кент. 19.10 «Дунё воқеалари». 19.25 «Чашмалар». Кўрсатувни СССР халқ артисти Н. Мешко олиб боради. 19.55 Футбол бўйича жаҳон чемпионатида. 21.30 «Время». 22.05 «Сухановода ёз». Кинолавха. 22.15 Футбол бўйича жаҳон чемпионатида. Танаффус пайтида (23.00) — «Дунё воқеалари».

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

18.30 Янгиликлар. 18.50 Спорт ҳафталиги. 19.20 «Советлар ва ҳаёт». Латвия ССР Олий Совети Президиумининг раиси П. Я. Страутманис иштирок этади. 19.50 «Чухлома кадрили». Ҳужжатли фильм. 20.00 «Ҳамдўстлик». Телевизион журнали. 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 П. И. Чайковский номли VII Халқаро конкурсда. 21.30 «Время». 22.05 «Ишонч». Телевизион бадиий фильм. 2-серия.

Узбекистон телевидениесининг программаси

I

18.10 Кўрсатувлар программаси. 18.15 «Тўс-тўполон». Кўғирчоқ фильм. 18.30 «Пионер дружиналари Бутуниттифоқ маршруда». 19.00 «Мактубингиз ўғлга чорлади». Кўрсатувни Узбекистон ССР Олий Советининг депутати Маҳмуд Мўйдинов олиб боради. 19.30 «Ахборот» (рус). 19.45 СССР ташкил топгандигининг 60 йиллигига. «Дўстлик камалаги». Кинопанорама. 20.30 «Ахборот». 20.50 Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар Малоҳат Дадабоева ва Ҳадя Юсупова концерти. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Озиқ-овқат программаси — халқ фаровонлигининг асоси». 22.35 «Мен Шаповалов Т. П.». Бадиий фильм. 24.00 Янгиликлар.

30 ИЮНЬ — ЧОРШАНБА
Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 Футбол бўйича жаҳон чемпионати. 12.05 Доғистон АССР бадиий коллективларининг концерти. 12.55 Янгиликлар. 13.00 Янгиликлар. 13.15 «Беш йиллик — ҳар бирмизнинг ишимиз». Телевизион ҳужжатли фильмлар программаси: «Биргалашиб ҳал қилсак» (Ленинград), «Беш кунлик тошбирик — тўрт кунда» (Тошкент), «Далё йўли» (Новосибирск). 16.30 «Горячилар, қаердасиз?». 17.15 «Сенинг ленинча кутубхонанг». В. И. Ленин «Совет ҳокимиятининг набатдаги вазифалари».

17.55 «Қувноқ нотачалар». 18.10 «Ҳамкорлик йўллари». Ҳужжатли фильм премьераси. 18.40 П. И. Чайковский номли VII Халқаро конкурс кундалиги. 19.20 «Дунё воқеалари». 19.35 «Жанговар дўстлик қанотларида». «Нормандия — Неман» авиаполки ветеранларининг СССРда бўлиши тўғрисида. 19.55 Футбол бўйича жаҳон чемпионатида. 21.30 «Время». 22.05 «Дўстларимиз чеҳраси». 22.50 «Дунё воқеалари». 23.05 Союзлар уйининг Колонна залида композитор Л. Афанасьевнинг авторлик кечаси.

Узбекистон телевидениесининг программаси.

I

18.10 Кўрсатувлар программаси. 18.15 Болалар учун фильм. «Димканинг хўрози». 18.30 «Қувноқ пионер ёзи». 19.00 «Космонавт Владимир Жонибеков» Ҳужжатли фильм. («Ўзбектелефильм») 19.30 «Ахборот». (рус.). 19.45 И. Акбаров. «Абу Али ибн Сино». Поэма. Сайфи Жалил. «Самарқанднома». Симфония. Ўзбекистон ССР Давлат симфоник оркестри ижро этади. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Ғўза парваришига — аъло сифат». 21.05 «Айкулаш» Фильм-концерт («Ўзкинохроника»). 21.30 «Время». 22.05 «Бутун оламда нима гап?» Халқаро аҳвол кундалиги. 22.20 Ў. Умарбеков. «Шошма, қуёш!». Ҳамза номли Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли. Бош ролда СССР халқ артисти С. Эшонтўраева. 00.15 Янгиликлар.

театр

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 30/VIда **Тўйдан олдин томоша**, 1/IVда **Ишонмасанг ўламан**, 3/VIда **Хотинимнинг эри.**

кино

29 ИЮНДА
БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ОЛТИН ЖУНЛАР» — **К. Ермато**в номли (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 24-22-66), **Искра** (16, 18, 19.45да, телефон 39-11-76), **Восток** (жуфт соатларда, телефон 91-14-61), **Хива** (ёзги бинода, 22.00, телефон 32-78-02).

«КАРНАВАЛ» — **Лисунов** номли (тоқ соатларда, телефон 96-34-02).

«ИЛОН ИЛИГИ» — **С. Раҳимов** номли (18, 19.20, телефон 48-46-71).

30 ИЮНДА
БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ОЛТИН ЖУНЛАР» — **К. Ермато**в номли (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 24-22-66), **Искра** (16, 18, 19.45да, телефон 39-11-76), **Восток** (жуфт соатларда, телефон 91-14-61), **Хива** (ёзги бинода, 22.00, телефон 32-78-02).

«КАРНАВАЛ» — **Лисунов** номли (тоқ соатларда, телефон 96-34-02).

«ДУШМАН ОРТИДАГИ ФРОНТ»— **Янгиобод** (14, 17.00, телефон 96-36-21).

«ИЛОН ИЛИГИ» — **С. Раҳимов** номли (18, 19.30, телефон 48-46-71).

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг ижроия комитети шаҳар соғлиқни сақлаш ишларининг актив ташкилотчиларидан бири, 1-темир йўл касалхонасининг бош врачи, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган врач, фахрий темирйўлчи

Олим Боқиевич БОҚИЕВнинг

вафот этганлигини чуқур қайгу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзолари ва яқин кишиларига таъзия изҳор қилади.

Тошкент Давлат университети ректорати, партия ва жамоат ташкилотлари амалий математика ва механика факультетининг катта ўқитувчиси, физика— математика фанлари кандидати Э. И. Маҳамовга ўғли

МУЗАФФАРнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Главташкентстрой»га қарашли 1-қурилиш трести коллективи трест бошқарувчиси А. Ш. Шаматовга отаси

Шамат МАВЛОНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор қилади.

4 ЮШКЕНТ бет ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент — ГСП, Ленин кўчаси, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат: — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши — 32-63-66; саноат 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги —32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ —33-54-19; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-58-81; ахборот — 33-28-93; спорт ва харбий-ватанпарварлик ишлари —32-55-32; хатлар — 33-79-70; эълонлар бўлими—33-81-42; нашриёт диспетчери 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари —33-90-50

29 ИЮНЬ, 1982 й. Р—02053. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси Тошкент шаҳри. В-2524. Индекс 64691. 8